

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

Мактабгача таълимнинг концептуал  
асослари ва замонавий ёндошувлар

МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021



**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** Д.Р. Бабаева - педагогика фанлари номзоди, профессор

**Тақризчилар:** Э.Р.Юзликаева – И.М. Губкин номли РДУ, п.ф.н., доктори

**Хорижий эксперт:** Lee Yu Mi - Сеул педагогика университети (Жанубий Корея), профессор.

**Ўқув-услугий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**



## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>11</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>20</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ. ....</b>	<b>78</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>88</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>92</b>
<b>VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....</b>	<b>103</b>



## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Ҳозирги кунда ривожланган давлатлар тараққиётида таълим тизимини технологиялаштириш, замонавий тараққиётга мос, ҳар томонлама етук кадрларни тайёрлаш, глобаллашув жараёнларига мослаштириш долзарб муаммо сифатида эътироф этилмоқда. Айниқса, Олий таълим тизимининг бош ва асосий мақсади юксак интеллектуал салоҳиятли, ижодкор, рақобатбардош мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашдан иборат. Республикамиз таълим тизимида ўқув дастурлари, мазмуни, стандартларини такомиллаштириш, ривожланган хорижий давлатлар таълим таъраққиётига мослаштириш, ўз навбатида мутахассислар тайёрлаш сифатини орттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай ўзгаришлар билим олишнинг янги технологиялари, масофавий, лойиҳали таълим, медиа таълим, шахсий ижодкорликка асосланган таълимни жорий қилиш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда.

Таълимнинг замонавий глобаллашув ва ахборотлашув жараёнида бўлажак тарбиячи(педагог)нинг креативлик сифатларига эга бўлиши унинг шахсий қобилиятлари,табiiй ва ижтимоий қувватини касбий фаолиятни сифатли, самарали ташкил этишга йўналтирилганлиги замон таълабидир. Олий таълим тизимида тахсил олаётган бўлажак тарбиячиларнинг креативлик сифатларига эга бўлишлари уларда ўқув ва тарбия жараёнларини ташкил этишга анъанавий ёндашишдан фарқли янги ғояларни яратиш, бир қолипда фикрламаслик, ўзигахослик, ташаббускорлик, ноаниқликка тоқат қилмасликка ёрдам бериш аниқ мақсадлардан биридир. Бинобарин, креативлик сифатларига эга педагог касбий фаолиятни ташкил этишда ижодий ёндашиш, янги, илғор, тарбияланувчиларнинг ўқув фаолиятини, шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қиладиган ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш, илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш, шунингдек, ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида доимий, изчилфикр алмашиш тажрибасига эга бўлишга эътибор қаратади ва такомиллашувини юзага келтиради. Креативликнинг турли шаклларини тадқиқ этмасдан, бугунги кунда мутахассисни нимага ва қандай тайёрлашга бир қатор ёндашув ва муносабатларни тамойиллар асосида кўриб чиқмасдан амалга ошириш мумкин эмас. Шу билан биргаликда, олий мақтаб педагогик таркиби жадал ривожланаётган инновацион таълим тизими, биринчи навбатда, ижодий қобилиятлар, ижод потенциали, ўз-ўзини ижодий ривожлантириш, ижодий индивидуаллик ва креативлик талабларига жавоб бериш муаммосига катта эътибор қаратиши лозим. Таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш,

баркамол авлодни шакллантириш эртанги тақдиримизни белгилаб берувчи долзарб масалалардан бирига айланди.

Ўзбекистон республикаси Президентининг Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мақтабгача таълимни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида: “– кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг амалдаги тизими мақтабгача таълим соҳасини болаларни тарбиялаш ва ҳартомонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассислар билан таъминлай олмаслиги”<sup>1</sup> каби мавжуд тизимли камчиликлар мақтабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилиши таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорида; мақтабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мақтаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим –тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини тадбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик, жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида этибор қаратилди<sup>2</sup>. Бу қарор мақтабгача таълим тизимини янада такомиллашувига хизмат қилади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Мақтабгача таълимнинг концептуал асослари ва замонавий ёндошувлар” **модулининг мақсади:** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

“Мақтабгача таълимнинг концептуал асослари ва замонавий ёндошувлар” **модулининг вазифалари:**

“Мақтабгача таълим” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

-замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

<sup>1</sup> Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мақтабгача таълимни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан

<sup>2</sup> \*Туркистон рўзномаси 2017 йил 1-феврал 3-бет.



-педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

-махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Мақтабгача таълим” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Мақтабгача таълимнинг концептуаль асослари ва замонавий ёндошувлар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

– мақтабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этишни;

– Мақтабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва ислох этишнинг долзарб масалаларини;

– мақтабгача таълимнинг педагогик жараёнига инновацион ёндашувини;

– ўлий таълим тизимида хорижий тажрибаларни қўллашни;

– мақтабгача таълим ташкилотларида янги дастурлар асосида ишлай оладиган кадирларни сифатини оширишни;

– Замонавий технологияларни жорий қилш орқалий жаҳон стандартларига мос келадиган мутахассисларни тайёрлашни;

– бўлажак тарбиячиларда креатив малакаларни шакллантириш технологиясини;

– мақтабгача таълим ташкилотларида муаммолий ўқитиш технологияларини;

– педагогик квалиметрия мезонлари, методлари ва уларнинг таълим натижаларини баҳолашдаги аҳамиятини;

– квалиметрик назорат технологияси ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

### **Тингловчи:**

– Мақтабгача таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқарув тизимини такомиллаштиришни таркиб топтириш;

– мақтабгача таълим жараёнини лойиҳалаштириш ва ўқув материалларини тизимлаштириш;

– мақтабгача таълимни бошқаришнинг замонавий шаклларида фойдаланиш;



– янгича ёндашувлар асосида талабаларда касбий ва креатив қобилиятни шакллантириш;

– мақтабгача таълим фанларини ўқитишнинг инновацион шакллари, метод ва воситаларидан фойдаланиш;

– квалитетлик жараёни ташкил этиш ва ўтказиш;

– таълим-тарбия жараёнида кутилаётган натижаларни башорат қилиш, идентив ўқув мақсадларини шакллантириш;

квалитетлик назорат технологиясидан фойдаланиш **кўникмаларини эгаллаши;**

**Тингловчи:**

– ўқув материалларини тизимлаштиришнинг дидактик параметрларини яратиш;

– интерфаол таълим воситасида талабаларда мустақил фикрлаш маданиятини шакллантириш;

– компетентли ёндашув асосида бўлажак мутахассисларни касбий шакллантириш;

– амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;

– мақтабгача таълим фанларидан курс иши (лойиҳаси)ни тайёрлаш;

– битирув малакавий ишлари бажарилишининг ташкилий ва илмий-методик таъминотини такомиллаштириш;

- талабалар билимини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш технологиялари амалга ошириш каби **малакаларини эгаллаши;**

**Тингловчи:**

– Мақтабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва ислох этишнинг долзарб масалаларини ўрганиш;

– Олий таълим тизимида хорижий тажрибаларни қўллаш;

– **Мақтабгача таълим ташкилотларида янги дастурлар асосида ишлай оладиган кадирларни тайёрлаш;**

– замонавий ўқитувчисининг ўқув-меъёрий хужжатларини ишлаб чиқиш;

– назарий, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;

– Замонавий технологияларни жорий қилш орқалий жаҳон стандартларига мос келадиган мутахассисларни тайёрлаш;

– квалитетлик жараёни ташкил этиш ва ўтказиш;

– талабалар билимини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш ҳамда педагогик фаолиятда қўллаш олиш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**



### Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Мақтабгача таълимнинг концептуал асослари ва замонавий ёндошувлар” курси маъруза машғулотлари шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентатсион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Мақтабгача таълимнинг концептуал асослари ва замонавий ёндошувлар” модули мазмуни ўқув режадаги **“Мақтабгача таълим фанларини ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаштириш”** ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда Мақтабгача таълим фанларини ўқитиш мазмунини интеграциялаш. Мақтабгача таълимнинг концептуал асослари ва замонавий шакллари, метод ва воситаларини ўрганишга хизмат қилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар, ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор тажрибалар ҳамда, замонавий ёндашувларни ўрганиш. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар билан танишиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### “Мақтабгача таълимнинг концептуал асослари ва замонавий ёндошувлар”

#### Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Жами	Жумладан	
			назарий	амалий
1.	Мақтабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш	4	2	2
2.	Мақтабгача таълимнинг педагогик жараёнига инновацион ёндашув	6	2	4





3.	Мақтабгача таълим ташкилотларида янги дастурлар асосида ишлай оладиган кадирларни сифатини ошириш	4	2	2
4.	Бўлажак тарбиячиларда креатив малакаларни шакллантириш технологияси	6	2	4
<b>Жами</b>		<b>20</b>	<b>8</b>	<b>12</b>

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-Мавзу: Мақтабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш.**

Мақтабгача таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқарув тизимини такомиллаштириш. Мақтабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ этишнинг долзарб масалалари.

**2-Мавзу: Мақтабгача таълимнинг педагогик жараёнига инновацион ёндашув.**

Олий таълим тизимида хорижий тажрибаларни қўллаш. Хорижий таълимдаги тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модераторлик фаолияти тушунчаларини жорий этиш.

**3-Мавзу: Мақтабгача таълим ташкилотларида янги дастурлар асосида ишлай оладиган кадирларни сифатини ошириш.**

Мақтабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан илғор инновацион технологиялар ва янги дастурлар асосида ишлай оладиган педагогларни тайёрлаш. Замонавий технологияларни жорий қилш орқалий жаҳон стандартларига мос келадиган мутахассисларни тайёрлаш.

**4-Мавзу: Бўлажак тарбиячиларда креатив малакаларни шакллантириш технологияси.**

Мақтабгача таълим ташкилотларида муаммолий ўқитиш технологиялари. Мақтабгача таълим ташкилотларида ривожлантирувчи марказлар фаолиятига инновацион ёндашув.

### АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-Мавзу: Мақтабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш. (2 соат)**

Мақтабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ этишнинг долзарб масалалари. “Мақтабгача таълим Концепцияси”. Педагогик жараённинг ижодкори бўлишига, мослашувчан фикрлашга эга бўлиши, замонавий технологиялардан фойдалана олиши.



**2-Мавзу Мақтабгача таълим-тарбиянинг педагогик жараёнига инновацион ёндашув. (4 соат)**

Олий таълим тизимида хорижий тажрибаларни қўллаш. Хорижий таълимдаги тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модераторлик фаолияти тушунчаларини жорий этиш.

**3-Мавзу: Мақтабгача таълим ташкилотларида янги дастурлар асосида ишлай оладиган кадирларни сифатини ошириш. (2 соат)**

Педагогик жамоани янгиликлар киритишга тайёрлаш стратегия билан таништириш, янгиликлар киритишни режалаштириш, мақсадни, кутилаётган самарадорлик ва асосий талаблар билан таништириш. Замонавий технологияларни жорий қилш орқалий жаҳон стандартларига мос келадиган мутахассисларни тайёрлаш.

**4-Мавзу: Бўлажак тарбиячиларда креатив малакаларни шакллантириш технологияси. (4 соат)**

Мақтабгача таълим ташкилотларида муаммолий ўқитиш технологиялари. Мақтабгача таълим ташкилотларида ривожлантирувчи марказлар фаолиятига инновацион ёндашув.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Танишув” тренинги

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг бир бири билан яқиндан таништириш, назорат қилиш, текширишга йўналтирилган. Мазкур тренинг орқали таълим олувчиларнинг муносабати, жамоада ишлаши, махорати, ақл-идроқи, билими бўйича ташҳис қилинади.

**Методни амалга ошириш тартиби:** “Танишув” тренинги дарснинг бошида янги гуруҳ ташкил этилганда ўтказиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, кўшимча топшириқлар ёки саволларни киритиш мумкин.

#### Намуна:

1. Сиз ким ва нима учун бу ерга тўпландингиз?
2. Сизнинг мақсадингиз!
3. Ким билан ҳамкорлик қиласиз?
4. Кимга ғамхўрлик қиласиз?
5. Сизнинг кучсиз томонларингиз!
6. Сизнинг кучли томонларингиз!
7. Педагогик технология ҳақидаги тушунчангиз?
8. Инновацияга тариф беринг?
9. Фан ҳақидаги фикрингиз!

#### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• тўсиқлар



**Намуна:** Олий таълим тизимида мақтабгача таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш йўналишлари SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Мақтабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан илғор инновацион технологиялардан фойдаланишнинг кучли томонлари	янги дастурлар асосида ишлай оладиган педагогларни тайёрлаш.
<b>W</b>	Педагогик жараённинг ижодкори бўлиши кучсиз томонлари	инновациялардан моҳирона фойдалана олиши.
<b>O</b>	Мақтабгача таълим педагогикасининг умумий тавсифи (ички)	мазмуни
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	моҳияти.

**“Хулосалаш”** Мақтабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан илғор инновацион технологиялар ва янги дастурлар асосида ишлай оладиган педагогларни тайёрлаш.

#### **(Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

**Методни амалга ошириш тартиби:**



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

**Намуна: Мақтабгача таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг концептуал асослари**

Мақтабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим шартлари					
психологик-педагогик назарияни эгаллаш		ўз ғояларини ягона концепция қилиб жамлаш		янгиликни жорий қилиш	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

**Хулоса:** Мақтабгача таълим муассасасининг ишига инновацияларнинг жорий этилиши – мақтабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ этишнинг энг муҳим шартларини амалга ошириш

**“Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни камраб олади:



Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

**“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

**Кейс.** Бўлажак мақтабгача таълим ўқитувчиларининг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтиришда хатолик келиб чиқди.

**Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгилаш(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгилаш (жуфтликлардаги иш).

## “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



### Тест

1 ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини белгилаш ва таҳлил қила олиш нима дейилади?

- А. креативлик
- В. кўникма
- С. рефлексия



### Қиёсий таҳлил

- Педагогиканинг замонавий тенденциялардан фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қилинг?



### Тушунча таҳлили

- INSERT қисқармасини изоҳланг...



### Амалий кўникма

- Мамлакат иқтимоодиётини ва таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи ўқув режа намунасини ишлаб чиқинг?

## «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали

ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.** Мактабгача таълимда педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш

**Фикр:** Таълим сифатини бошқаришга инновацион ёндашув.

**Тошпириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **Блиц-ўйин методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

Иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;

ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи





туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);

Ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

Операцион (воқеий) ўйинлар. Бундай ўйинларда аниқ ўзига хос воқеа-ҳодисанинг бажарилиши машқ қилинади. Операцион ўйинлар иш жараёнига хос моделлаштирилади.

Роль ижро этиш ўйинлари. Унда конкрет шахснинг хулқи, хатти-ҳаракати, ўз вазифалари ва мажбуриятларини бажарилиш тактикаси машққилинади.

Тадбиркорлик театри.

Бунда қандайдир вазият ва ундаги кишининг хулқи ўйналади. Бу ўйиннинг асосий вазифаси турли ҳолатларда мўлжални тўғри баҳолай олишни ўргатиш, ўзининг хулқига тўғри баҳо бериш, бошқа кишиларнинг имкониятларини баҳолай олиш, улар билан мулоқот ўрната олишга ўргатишдир.

Психодрама ва социодрама.

Бу ҳам ўзига хос «театр», лекин ижтимоий психологик мақсадни кўзлайди: Унинг асосий мақсади жамоада вазиятни ҳис қила олиш, бошқа кишининг ҳолатини ўзгартириш ва унга баҳо бериш, у билан самарали мулоқотга кириша олишни шакллантириш ҳисобланади

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

**Намуна:** Педагогик фаолиятда юзага келадиган касбий муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари.

### Т-технологияси

**Методнинг мақсади:** Таълим мақсадлари нуқтаи назаридан яхлитликни, тизимлиликни ва функционал тўлиқликни сақлаб қолган ҳолда стандартлаштириш объектларининг (таълим мазмуни бирликларининг ва бошқаларнинг) мураккаблигини энг кам даражага келтириш.

**Технологияни амалга ошириш тартиби:**и Ушбу педагогик фаолиятда юзага келадиган касбий муаммолар ва уларни ҳал этиш вазифаларини афзалликлари ва камчиликларини ёритиш.



**Намуна:** Мақтабгача таълим педагогикасининг умумий тавсифи, мазмуни ва моҳияти

**Т-технологияси**

Афзаллиги	Камчилиги

**Венн Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

**Методни амалга ошириш тартиби:**


- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна:** Педагогик фаолиятда юзага келадиган касбий муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари

**Венн диаграммасини тўлдиринг**



**Хулоса:** Замонавий техника ва технологияларни жорий қилиниши натижасида, жаҳон стандартларига мос келадиган мутахассисларни тайёрлаш

### **Кластер методи**

**Методнинг мақсади:** Мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг асосини тингловчиларнинг фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолияти ташкил этади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади.

Психологлар таъкидлайдиларки, ўйинга киришиб кетиш қобилияти киши ёшига боглиқ эмас, лекин ҳар бир ёшдаги шахс учун ўйин ўзига хос бўлади. Ўйинли фаолият муайян функцияларни бажаришга бағишланган бўлади.

**Намуна:** Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологияларини жорий этиш.

### **Кластер методи**





### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### **1-Мавзу: Мақтабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш.**

##### **Режа:**

1. Мақтабгача таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқарув тизимини такомиллаштириш.
2. Мақтабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва ислох этишнинг долзарб масалалари.

**Таянч тушунчалар:** Инновация, механизм, ижодкор, бошқариш, технология, инсон, мулоқат, фаолият, муносабат, шахсият, замонавий, муассаса, концептуал, ривожланиш.

#### **1. Мақтабгача таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқарув тизимини такомиллаштириш.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли Қарорига мувофиқ: мақтабгача таълим тизимини комплекс ривожлантириш, болаларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг барча жиҳати белгилаб берилди.

Хусусан, фармонда қайд этилганидек, мамлакатимизда сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мақтабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдроқ камайган бўлиб, бугунги кунда республика бўйича болаларнинг мақтабгача таълим билан қамраб олинishi 30 фоизни ташкил қилади, холос. Шунингдек, мақтабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси ҳам замонавий талабларга деярли жавоб бермайди.

Қолаверса, ҳудудларда мақтабгача таълим муассасаларида кўпроқ ўрта махсус маълумотли кадрлар фаолият юритаётгани боис мақтабга тайёрлов гуруҳларида машғулотлар етарлича ўтилмаётгани, кўплаб боғчалар бинолари талабга жавоб бермаслиги, айниқса, болалар қамрови туманлар кесимида олинганда, 18 — 20 фоизни ташкил этиши ҳеч кимга сир эмас.

Мазкур ҳужжатда соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, мақтабгача ёшдаги болаларни тарбиялашда хорижий тажрибалардан кенг фойдаланиш, уларга шарт-шароитлар яратиш, болалар қамровини босқичма-босқич кенгайтириш, ёш авлодда китоб ўқишга қизиқиш уйғотиш, уларнинг соғлом ва тўғри овқатланишини ташкил қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш каби жуда долзарб масалалар қамраб олинган. Мақтабгача



таълим муассасалари раҳбар ҳамда педагог ходимларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ҳам ўта муҳим масалалар сифатида кўрсатилгани, айниқса, эътиборга молик.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги тузилиши бу борадаги бошқарув тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Энди идоравий мансублигидан қатъи назар, давлат тасарруфидаги барча мақтабгача таълим муассасаси мазкур вазирлик тизимига ўтказилади.

Вазирлик зиммасига бир қатор муҳим вазифалар юклатилди. Хусусан, мақтабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олиб, мақтабгача ёшдаги болаларни ҳар жиҳатдан интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, давлат ҳамда нодавлат мақтабгача таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобига фарзандларимизни мақтабгача таълим муассасаларига босқичма-босқич тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш ана шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, мақтабгача таълим муассасаларини миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болалиқдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйин ҳамда ўйинчоқлар, бадий адабиётлар билан таъминлаш, тажрибали юқори малакали, касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ва тарбиячиларни ўқув-тарбия жараёнига жалб қилиш кабилар ҳам вазирликнинг диққат-эътиборида бўлади.

Умуман, ҳужжатлар узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини саналмиш мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, мақтабгача таълим муассасаларининг давлат ҳамда нодавлат тармоғини кенгайтириш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлашда дастуриламалга айланади.

Ўзбекистон Республика Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил

19 октябр куни мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда “Қайси соҳани олмайлик, биз замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон-бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало, мақтабгача таълим тизимидан бошланади”, деб таъкидлади.

Мақтабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғини ҳисобланади. Мутахассис ва педагогларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Ана шу далилнинг ўзи болаларимизнинг етук ва



баркамол шахс бўлиб вояга етишида боғча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди.

Бунга қўшимча исбот қидириб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Боғча тарбиясини олган бола билан боғчага бормаган болани солиштирганда, уларнинг фикрлаш даражаси ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини сезиш қийин эмас.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни танлаб олиш ва уларни олий таълим муассасаларига мақсадли тайёрлашни ташкил этиш учун ҳар бир олий таълим муассасаси ҳузурида биттадан академик лицей очиш ва фаолиятини йўлга қўйиш ишлари олиб борилди. 10-11-синфлар жорий этилиб, коллежларда контингент қисқариши муносабати билан мавжуд моддий техника базасидан самарали фойдаланиш мақсадида 7 та коллеж ва академик лицей негизида янги 3 та олий таълим муассасаси филиаллари ва 1 та олий таълим муассасаси ташкил этилди. Мулоқот чоғида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини ортиқча ҳисоботлар, турли бюрократик топшириқлардан озод этиш, уларнинг илмий салоҳиятларини таълим мазмуни ва сифатини янада яхшилаш, илмий тадқиқот ишларига йўналтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, энг илғор хорижий тажрибани ўрганиш, ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратиш масаласига тўхталиб ўтди. Болаларнинг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, уларга мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим ва тарбия бериш, дунёқарашини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, қалби ва онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириб бориш, шу орқали уларни она Ватанга муҳаббат, покиза орзулар руҳида камол топтириш бугунги кундаги энг муҳим, энг долзарб масалалардан бири эканини таъкидлади. Зеро, фарзандларимизнинг мактабда қандай ўқиши, қандай юксак мақсадлар билан камол топиши кўп жиҳатдан уларнинг мактабгача таълим муассасасида оладиган тарбиясига боғлиқдир. Мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, бошқарув тузилмасини ташкил этиш, мазкур муассасаларга болаларни 100 фоиз қамраб олишга қаратилган алоҳида дастур ишлаб чиқиш, бошланғич таълим муассасаларига қатор имтиёзлар бериш, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги малака ошириш институтларида таълим мазмунини сифат жиҳатдан тубдан ўзгартириш, уларни энг илғор олий таълим муассасалари таркибига ўтказиш орқали умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларига энг кучли ва тажрибали

профессор-ўқитувчилар таълим беришига эришиш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 929-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти уставини тасдиқлаш ҳақида» ги қарорига асосан илк ва мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, таълим-тарбия бериш, мактаб таълимига тайёрлаш бўйича давлат талабларини белгилайди.

Давлат назорати, мактабгача таълим бўлимлари томонидан раҳбарликнинг текшириш шаклларига айтилади.

Бу - Мустақил Давлатимизнинг қарор, ҳукумат, кўрсатма, йўл-йўриқларини, «Мактабгача таълим тўғрисидаги қонун» асосларини бажарилишини, мактабгача таълим ёки ташкилотлар томонидан, мактабгача таълим аҳволини текшириш, шунингдек, мактабгача таълим билан боғлиқ бўлган ариза, имконият, илтимосларни текширишдир. Бу - «Мактабгача таълим тўғрисидаги Низом», «Мактабгача таълим консепсияси», «Мактабгача таълим дастури», «*Илк қадам*» давлат дастурларини бажарилиши устидан назоратдир.

Ўқув-тарбия жараёнига инновацион технологияларнинг кириб келиши таълим жараёнига қўйилган талабларни муваффақиятли ҳал этишда аҳамиятлидир, шунингдек дарснинг сифат ва самарадорлигини ошириб таълимдан кўзланган натижага эришишни осонлаштиради. Шу асосда ўқув – тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, бу ўз фаолиятини оқлайди ва рақбатбардош кадрлар тайёрлашда энг муҳим ютуқларга эришишни таъминлайди. Таълимнинг мазмуни илмий билимлар, кўникма ва малакалар тизимидир. Ўқувчи илмий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнида ақлий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантиради, дунёқараши, ахлоқи шаклланади, ҳаётга, меҳнатга тайёрланади. Таълим мазмунига инсоният тўплаган барча ижтимоий тажрибалар киради. Унинг мазмуни, хажми, ижтимоий тўзумнинг иқтисодий талаб ва эҳтиёжлари, фан-техника тараққиёти даражаси билан белгиланади. Яъни унинг мазмунига табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккури ҳақидаги билимлар, ҳозирги замон фани, техникаси, маданияти, ишлаб-чиқаришдаги янгиликлар киритилади. Таълимнинг мазмуни ўзгарувчан, у доимо янгиланиб туради Таълим мазмуни илмий асослаган ДТС,



Ўқув режалари, дастурлари ва дарсликлариди ифодаланади. Хусусий методика нуқтаи назари бўйича «таълим» айнан бир ўқув фани асосида ўқитиш ва ўқиш фаолиятларини биргаликда амалга оширишни англатади.

Педагогика фани нуқтаи назаридан қаралганда эса «таълим» ўқитувчи ва ўқувчи таъсирининг мажмуи бўлиб, унинг натижасида ўқувчининг ақлий салоҳияти (интеллект), рухиятини ривожлантириш маъносини билдиради.

Билим-табиатда, жамиятда, инсон онгида амал қилинадиган қонуниятларнинг турли белгилар (масалан, ёзув) воситасида моддийлаштирилган кўринишидир. Билимлар қараш, ғоя, таъриф, қоида, аниқлик, аксиома, теорема, омил ва бошқа шаклларда берилади;

Таълим жараёни таркибига кўра, ўта мураккаб дидактик ҳодисадир. Агар бу жараёнга ўқитувчи фаолияти нуқтаи назаридан ёндошсак, «ўқитиш жараёни», ўқувчилар фаолияти нуқтаи назаридан, эса «ўқув жараёни» иборалари ишлатилади.

Ўқитиш энг қадимий фаолият турларидан биридир. У меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши натижасида алоҳида касб сифатида ажралиб чиққан. Кишилар ўқитувчилик касбига махсус тайёрланади.

Таълим маълум босқичлар асосида амалга оширилади: ўрганиладиган нарса- ҳодисаларни бевосита ёки билвосита идрок этиш; олдин ўрганилган билимларни хотирага, яъни эсга тушириш; билимларни амалда қўллаш, фикрлаш, уларнинг умумий ва хусусий аломатларини ажратиш.

Бугунги кунда таълим соҳасида турли хусусиятдаги, йўналишдаги ва аҳамиятдаги ниҳоятда кўп инновациялар мавжуд, катта ёки кичик кўламли давлат ислохотлари ўтказилади, таълимнинг ташкил этилишига, мазмунига, услубиётига, технологиясига янгиликлар киритилади.

Замонавий мақтабгача таълим ташкилотларида— бола ўз ривожланиши учун энг аҳамиятли соҳаларда ва жиҳатларда катталар ва тенгдошлар билан кенг ҳиссий-амалий ўзаро муомала тажрибасини оладиган жойдир, мақтабгача таълим муассасаларида бола ўз эҳтиёжлари, қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ ҳолда индивидуал ривожланишига бўлган ҳуқуқини шу жараён учун ташкилий-педагогик шароитлар яратилган ҳолда амалга оширади; педагог ўзининг касбий ва шахсият фазилатларини ривожлантиради, раҳбар болалар ва педагоглар фаолиятининг муваффақиятли бўлишини таъминлайди; муассаса ота-оналарнинг ўз болалари учун кўзда тутган келажаги юзасидан фикрлари хусусиятларини инобатга олади ва уларни болалар билан, ҳамда таълимий жараённинг барча иштирокчилари билан конструктив-ҳамкорлик муносабатларини рўёбга чиқаришга йўналтиради.

Ҳозирги вақтда мақтабгача таълим ташкилотларида болалар билан илғор инновацион технологиялар ва янги дастурлар асосида ишлай оладиган



педагог зарур бўлади. У педагогик жараённинг иждоқори бўлиши, мослашувчан фикрлашга эга бўлиши, инновациялардан моҳирона фойдаланиши лозим.

Инноватцион салоҳиятнинг қисми бўлган қабул қилиш янгиликни сезиш, унга тайёрлик, муаммо билан танишиш, уни ҳал этишнинг мавжуд йўллари таҳлил қилиш, йўлини танлаш, қарор қабул қилиш оқибатларини қабул қилиш билан белгиланади.

Инноватцион таълим жараёнида педагогик фаолиятнинг мазмуни анъанавий фаолиятдан анча фарқ қилади.

Биринчидан, фаолият мазмуни ва технологиясини ишлаб чиқиш фаолияти анча мураккаблашади, чунки унинг технологик асоси тез ривожланади. У педагогнинг махсус малакалари, иш усуллари ривожлантирилишини талаб этади.

Бундан ташқари, замонавий ахборот технологиялари фаолият сифатига ва унинг маҳсулига қўшимча талабларни қўймоқда.

Иккинчидан, замонавий педагогик жараённинг ўзига хослиги шуки, педагог марказий ўрин тутган анъанавий таълимдан фарқли равишда, бу ерда асосий диққат болага – унинг фаоллиги, танлови, креативлигига қаратилади.

Тарбиячининг муҳим функцияси болани ўз фаолиятида қўллаб-қувватлаш, унинг оламдаги муваффақиятли илгарилама ҳаракатига ёрдам бериш, юзага келувчи муаммолар ҳал этилишини осонлаштириш, турли-туман маълумотни ўзлаштиришга ёрдам бериш ҳисобланади.

К. Роджерс, А.Б. Орлов ва С.Я. Ромашина жаҳон таълимий ҳамжамиятида шу сабабли янги атама – фасилитатор – ўқишга ёрдам берувчи, осонлаштирувчи, кўмаклашувчи шахс пайдо бўлиб, ишлатилаётганлигини қайд этганлар.

Учинчидан, билиш материални тақдим этиш ва тажрибани бериш йўллари педагог ва болаларнинг интенсив мулоқотини кўзда тутаяди, педагогнинг барча болалар билан умумлашган алоқаси устувор бўлган, лекин тарбиячининг алоҳида болалар билан ўзаро муносабати анча кам бўлган анъанавий таълим турига нисбатан замонавий таълимда ушбу таълим субъектлари ўртасида анча фаолроқ ва қизиқарли ўзаро муносабатлар бўлишини талаб қилади.

Шундай қилиб, мақтабгача таълим муассасасида инноватцион технологиялардан фойдаланишнинг зарурий шартлари педагогнинг салоҳияти ва ҳаракатлари, унинг янгиликни сезиши, очиклиги ва фасилитатсияси бўлади.

Педагог ва боланинг таълим жараёнида тутган ўрнининг ўзгариши ўзаро муносабатлар, энг аввало педагоглар ўзаро муносабатлари – интегратсияси ва ўзаро мослашуви тизимини қайта қуриш, шунингдек «педагог – бола –ота-

онаси» учбурчагида ўзаро муносабатларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу, бир томондан, мақтабгача таълим муассасасида инноватцион жараённинг зарурий шарти, бошқа томондан –унинг натижаси ва муваффақиятининг кўрсаткичи бўлади.

Бошланғич даражада инновациялар ёки айрим курснинг, ёки курслар блокининг (масалан, экологик ёки гуманитар) янги мазмунини яратишга; ёки таълим жараёнининг тузилмасини яратишни янги усулларини ишлаб чиқишга; ёки таълимнинг янги технологиялари, янги шакллари ва усулларини ишлаб чиқишга қаратилади.

Исталган даражадаги инновацияни назарий асосланган, мақсадга қаратилган ва амалиётга йўналтирилган янгилик деб қараш мумкин. Инновация ҳар қандай даражасида 4 босқич давомида ривожланади:

- назарий, яъни инновацияларни психологик-педагогик таҳлил асосида асослаб бериш; инноватцион жараён қандай ривожланиши, ҳамда унинг салбий ва ижобий оқибатлари қандай бўлишини прогноз қилиш;

- ташқилий-сиёсий;

- таҳлилий (олинган натижаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш);

- жорий этиш.

Босқичлардан ҳар бири ўз вазифалари ва мазмунига эга. Энг мураккаб босқич биринчи босқичдир, чунки педагогик фикр юритиш психологик-педагогик назарияни эгаллаш, ўз ғояларини ягона концепция қилиб жамлаш, инновациялар зарурлиги ёки муқаррарлигини асослаш, янгиликни жорий қилишга кўмаклашувчи омилларни ажратиб кўрсатишни кўзда тутати. Ушбу босқич режалаштирилган янгиликнинг ахборот таъминотини ҳам кўзда тутати. Биринчи босқичда пухта ишлаш инновацияларни педагогик жараёнга жорий қилиш босқичида муваффақиятга олиб келади.

Иккинчи босқич – янгиликни ўзлаштиришга кўмаклашувчи янги тузилмаларни яратишдир. Бу тузилмалар мобил, мустақил ва эркин бўлиши лозим.

Учинчи босқичда инноватцион жараён қайси даражада амалга ошириляётганини англаб этиш; умуман таълим муассасасининг аҳволини (ёки муайян фанни ўқитишнинг аҳволини) янгиликни жорий қилиш натижасида эришилиши кўзда тутилган прогноз ҳолатига солиштириш лозим. Агар мувофиқликка эришилмаса, нега? Деган саволга жавоб топиш лозим.

Жорий қилиш босқичида муваффақият иккита омилга боғлиқ: янгилик амалга ошаётган ўқув юртининг (ёки таълим муҳитининг) моддий-техник базаси, ва педагогик ходимлар ва раҳбарларнинг малакаси, уларнинг умуман янгиликларга муносабати, уларнинг ижодий фаоллиги. Ҳар қандай инновациялар ходимлардан юксак ҳиссий ва ақлий куч сарф этилишини талаб

қилади, демакки, бу меҳнатга шунга мос ҳақ тўланиши лозим. Ушбу муаммолар туфайли (ўқитувчилар корпусининг касбий маҳорати; моддий-техник базаси ва меҳнатнинг ижтимоий баҳоланиши) таълимдаги инновациялар амалга ошгунча узоқ ва қийин йўл ўтади.

Агар анъанавий таълимнинг инноватцион таълимдан фарқлари тизимини таҳлил қилиб, инноватцион фаолиятни амалга оширишнинг педагогик усуллари аниқласак, ушбу таҳлил таълим технологияларини ўзгартириш лозимлиги ҳақидаги хулосага олиб келади.

Таълим технологиясининг энг кўп тарқалган таърифи қуйидагича: таълим технологияси – бу ўқув дастурларида кўзда тутилган, ўқитиш шакллари, услублари ва воситаларининг тизимидан иборат бўлган таълим мазмунини амалга ошириш усули бўлиб, ушбу тизим қўйилган дидактик мақсадга энг самарали эришишни таъминлайди.

Шундай қилиб, таълим маданиятнинг бир қисми бўлиб, унинг тубигача амалга оширадиган ўзгаришлар инсонларнинг ҳаётининг фаолияти усуллари ўзгартиради, демакки, таълимда инновациялар юзага келишига олиб келади. Инсон цивилизациясининг постиндустриал даврида, яъни кўп олимлар томонидан ахборот-инноватцион давр деб аталадиган даврда билим ва таълим туб асосий тушунчаларга айланади.

## **2. Мактабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва ислох этишнинг долзарб масалалари.**

Мактабгача таълимни ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш соҳасининг методологик асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Мактабгача таълим тўғрисида»ги концепсия ва низомда кўрсатиб берилган мақсад ва вазифалар ташкил этади. Шу билан бирга, мактабгача таълим муассасаси мустақил равишда ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан, қонунчилик-ка ва педагогик тамойилларга зид бўлмаган ҳар қандай қарорлар қабул қилишга ҳақлидир.

Дарс ўзининг дидактик мақсади, мазмуни воситалари, методлари билан боғлиқ ҳолда изчилликка, илмийликка, мантиқий тузилишга эга бўлиш ва мазкур тузилиш таълим жараёнининг қонуниятларига мос бўлиши лозим. Дарс тузилишини аниқлаш аниқлаш учун ўқув материалларидаги таълим мазмунини унинг мазмундаги таркибий қисмлар, мазкур таркибий қисмларни ўқувчилар томонидан ўзлаштириш учун яъни таълим жараёнининг боришини ҳисобга олиш зарур. Бу қонунга қура табиатдаги ҳамма нарса ҳодиса ва жараёнларда ички зиддиятлар узаро алоқадорлик бир-бирини инкор этиш ҳолатида бўлган қарама - қарши томонлар мавжуд. Қарама - қаршиликлар

бирлиги ва кураши тараккиётга ичдан туртки беради, зиддиятларнинг усиб маълум боскичда зиддиятларга бархам беришга янги, зиддиятларнинг пайдо булишига олиб келади. Дидактикада карама-каршиликлар бирлиги ва кураши қонуни таълим жараёнининг харакатлантирувчи кучи сифатида муҳим рол уйнайди. Ўқувчилар таълим жараёнида фактлар, маълумотлар, билим куникма ва малакаларни эгаллаб боришида, уларда кузатувчанлик ва хиссийликни, тафаккур ва равон нутқни, хотира ва ижодкорлик тасаввурларни чуқур савияда узлаштиришни таркиб топтиришда юзага келади. Умуман ноанъанавий усулларни дарс жараёнига тадбик этиш мураккаб жараён булиб бир катор тусиқларга дуч келиши табиий. Биринчидан; маълумки узок йиллик мустабид тузум даврида бир қолипга тушиб, факат маълум доирадаги буйруқлар асосида иш юритилар эди. Ана шу тизимдаги оддийгина бир дарс жараёнини оладиган булсак, дарс жарёнидаги асосий куч бошқарувчанлик хисобланади. Яъни буйруқ берувчи шахс ўқитувчи, буйруқни бажарувчи аълим олувчидир. Агар таълим олувчи ўқитувчининг буйруғини бажармаса, у таълим олувчи "Дарсни ўзлаштирмаган, интизомсиз ўқувчи" бўлар эди. Яхши ўқувчи ўқитувчини топширигини бажарган ўқувчи эди. Унинг ташаббускорлиги, ижодий фикри инобатга олинмас эди. Ана шундай буйруғбозлик муҳитида таълим олган ўқувчиларда қатъиятсизлик, ўзига ишончсизлик, ўзининг фикрига эга бўлмаган шахс сифатидаги онг даражаси шаклланмаган. Натижада ўқувчиларда ўзганинг қарамлик хисси кучайган. Аммо, юкоридаги таъкидланган иллатлардан ханузгача кутилганимиз юк. Ноанъанавий таълим усуллари шахсни онгли фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатади.

Иккинчидан, кадрлар масаласи хозирги кунда энг муҳим масала саналади. Шунинг учун хозирги кунда кадрлар масаласига талаб кучайиб бормокда. Баркамол авлод орзуси китобида "Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак". Хақиқатдан хозирги кунда ўқитувчилардан изланувчанлик, ўқувчилар билан ишлашда буйруқбозлик эмас, балки уларнинг дунёқарашини кенг тарзда шакллантира оладиган чуқур билим талаб қилинади. ўқувчиларда эркин изланиш қобилиятини уйғотишни талаб қилади. Бу эса ўқитувчидан маҳоратни ва ўзига хос методик тайёргарликни талаб этади. Масалан таълим методларига тўхталадиган бўлсак, бу ҳам ўзига хос жараён бўлиб, янгича ёндашув, янгича мазмун касб этади. Хозирги даврда бир хил қолипдаги таълим методлари талабга жавоб бермаяпти. Бу ўринда ҳам таълим тажрибасига мурожаат қилишимиз мақсадга мувофиқ. Масалан ўтмишда мадрасаларда машғулотлар давомида муаммолар қўйиш ва уларни мунозаралар асосида ҳал этиш, тажриба-синов, кузатиш, шарҳлаб ўрганиш, мустақил мутолаа,

билимларни узоқ эсда сақлаб қолиш учун ифодали, кироат билан ўқиш, ёд олиш, чистон-жумбоқларни ечиш, хуснихат мувашшахлар ёзиш каби метод ва усуллар қўлланилган. Ўйрик мадрасаларда ўтадиган машғулотларга нуфузли олиму уламолар таклиф этилган. Улар маълум муаммоларни талабалар билан биргаликда илмий мунозаралар, савол-жавоблар, суҳбатлар асосида ҳал этганлар.

Демак, ана шундай таълим усулларида дарс жараёнида қўллаш ижобий натижаларни олиб келишига шак-шубҳа йўқ.

Педагогик фаолиятни жараёнида ноанъанавий таълим усулларида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Мустақиллик шароитида талаба ёшларга замон талабларига мос тарзда билим бериш ва таълимнинг ноанъанавий усулларида дарс жараёнида кенгроқ қўллашга эҳтиёж ортиб бормоқда. Чунки ноанъанавий таълим усуллари ҳозирги янги замонавий таълим усулларида тортиб педагогик технология усуллари, таълимнинг самарали метод ва воситаларида фойдаланиш орқали ўқувчиларга билим беришга кенг имкон беради. Ҳозирги кунда ўқитиш жараёнининг асосий вазифаси таълим мазмунини янгилашнинг узлуксиз тизимини рўйёбга чиқаришдан иборат. Бундаги асосий мақсад ҳар жихатдан ривожланган баркамол шахсни тарбиялашдир.

Фикрлайдиган инсонни, янгича иқтисодий шароитда, аниқроғи бозор иқтисоди шароитида ҳар қандай ўзгаришларга тайёр тура оладиган инсон қилиб тарбиялаш унга янги-янги технологик ахборотларни қабул қилишга тайёрлаш узлуксиз таълимнинг асосий вазифаларида ҳисобланади. Бу вазифани амалга ошириш учун таълим мазмунини янгилашнинг ўзи кифоя қилмайди, балки илғор тажрибаларни ўрганиб, ноанъанавий таълим усулларида эгаллаш зарур бўлади. Ноанъанавий таълим усуллари ўзига кўп масалаларни қамраб олади: жумладан назарий ва амалий билимларни анъанавий воситалари кўрсатиб бўлмайдиган кўпгина жараёнларнинг динамик моделларини компьютер ёрдамида анимация қилиб мультимедия маҳсулотлари тайёрлаш ва улардан фойдаланиб компьютер дарсларини ўтказиш ва шу дастурга киритилган таълим мавзусига оид тест саволлари ёрдамида талабаларни ўзлаштириш даражаларини аниқлаш, дарс жараёнида талабаларни фаоллаштирувчи хорижий давлатлар. Америка, Англия, Франция, Япония, олимлари томонидан ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган ноанъанавий таълим шакллари яъни инновацион технологиядан фойдаланиш, шунингдек мавзуга оид Республика педагог олимларининг педагогик қарашлари ва илғор ғояларидан фойдаланиш имконини беради. Компьютер дарси системасини яратиш ва ўқув жараёнига жорий қилиш ноанъанавий таълим усулларида ҳисобланади. Бу усулнинг долзарблиги, катта эътибор ва имкониятга эга



эканлиги билан асосланади. Компьютерга ёзилган дарс дастурининг афзаллик томони шундан иборатки, мавзу юзасидаги мураккаб жараёнларни ҳақиқатга яқин динамик модели билан яққол танишади. Бошқа ҳеч қандай ўқитиш усулида талаба бундай имкониятга эга бўлмайди.

Ўқув жараёнининг ахборотли ҳамда техник воситалар ёрдамида уюштирилиши муҳим аҳамият касб этади. Айниқса ноанъанавий таълим шакллариининг асосий тамойиллари ва уларни моҳиятини билиш таълим самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Ноанъанавий таълимнинг яхлитлик тамойили ўзида икки жийҳатни акс эттиради.

➤ **Биринчиси;**

- таълим
- тарбия билан шахс камолотини муштараклиги,

➤ **иккинчиси;**

- ноанъанавий таълим усуллариининг муайян тизимга эга эканлигидан келиб чиқиб таълим беришни назарда тутади.

Таълим соҳасида илмий изланишлар олиб бориш, таҳлил қилиш, таълим самарадорлигини таъминлашда ўқитишнинг ноанъанавий шакллариининг фойдаланиш ва илғор педагогик технологиялар асосида дарсларни ташкил этиш долзарб муаммолардан саналади.

## **2-Мавзу: Мақтабгача таълимнинг педагогик жараёнига инновацион ёндашув.**

### **Режа:**

1. Олий таълим тизимида хорижий тажрибаларни қўллаш.
2. Хорижий таълимдаги тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модераторлик фаолияти тушунчаларини жорий этиш.

### **Таянч тушунчалар:**

Тамойил, рағбат, метод, қонуниятлар, функциялар, режалаштириш, мақсад, модул, предмет, тьютор, эдвайзер, фасилитатор, модератор.

1. Олий таълим тизимида хорижий тажрибаларни қўллаш.

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий ва маърифий соҳаларида амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари узлуксиз таълим тизимига ҳам бевосита таъсирини кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида, замонавий таълим муҳитининг муҳим тавсифи ҳамда шахс имкониятлари муваффақиятли амалга оширилишининг шарти сифатида таълим парадигмаларини такомиллаштириш, унинг таркибий қисмлари функционал ва концептуал муаммолари ечимини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Республикамизда узлуксиз таълим тизими

ижтимоий соҳалар ҳамда иқтисодий тармоқларини модернизациялаш шароитида муҳим ижтимоий институтлардан бири сифатида таълимий, тарбиявий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий функцияларни бажармоқда. Уларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун ўқувчиларда ижодий ва мустақил фикрлаш, касбий етуқлик ва юксак маънавиятни шакллантирувчи педагогик шарт-шароитлар яратилиши лозим. Педагогика фани билимлар соҳаси ва ижтимоий амалиёт соҳаси каби жаҳон ривожланиш умумий тенденциялари ва қонуниятларига биноан ривожланади. Шунинг учун касбий-педагогик таълим чет эл тажрибаларини ўрганиш уни илмий тушуниш илғор ғоялардан миллий таълим амалиётида фойдаланиш айниқса долзарб ҳисобланади. "Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги позитив жаҳон тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча элементларига тааллуқли ва унинг ривожланиши омилларидан бири ҳисобланади". Шу билан бирга миллий ғоялар ва анъаналарда қурилган таълим ҳар доим миллий ривожланиш масалаларига жавоб беришини эсда тутиш керак. Ҳозирги замон мактабларида педагогик жараёни ташкил қилиш таълим тарбиянинг усул, восита ва шакллари танлаш фақат билим, кўникма, малакаларга йўналтиришдан ташқари уларни билиш жараёни, хиссий кечсинмаларини ўзлаштиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Ўқитувчи жараёнини ташкил этиш шаклларида бири дарс, ўзининг дидактик мақсади, вазифасига кўра мураккаб педагогик объект саналади.

Таълим сифатини бошқаришга илмий ёндашувларни ишлаб чиқиш хорижда XX аснинг 20-йилларида, мамлакатимизда эса 50-йилларида бошланган эди. Бизда бу иш узок вақт мобайнида жаҳонда амалга оширилаётган ишлардан ажралган ҳолда олиб борилди. Агар чет элда таълим сифатини бошқариш самарадорлигини ошириш усуллари излаш ишлари аввал бошданок ижтимоий бошқарувнинг умумий назарияси ютуқлари асосида амалга оширилган бўлса, мамлакатимизда асосан педагогика назарияси қоидаларига таянган эди. Аммо 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб бу узилиш жадаллик билан бартараф этила бошлади.

Ижтимоий бошқариш фанини ривожлантириш Ўзбекистонда ва хорижда таълимни бошқариш муаммолари ечимини назарий жиҳатдан идрок этишга ва излашга жиддий таъсир кўрсатди. Ижтимоий ташкилотларни бошқаришнинг умумий ғоялари таълим соҳасида бошқариш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Таълимни бошқариш қонуниятлари бошқарув жараёнида турли элементлар ва ҳодисаларнинг объектив равишда мавжуд бўлган, такрорланувчи ўзаро алоқаларини акс эттиради. Улар умумий ва хусусийга бўлинади. Умумий қонуниятлар бошқарувнинг барча тизимларига хос бўлса,



хусусийлари айрим таълим ташкилотлари ва муассасаларининг амал қилиши билан боғлиқ.

**Ўзбекистонда мақтабгача таълим тизимини ислох қилиш жараёнида  
Корея модели акс этиши.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига 2017 йил 22-25 ноябр кунлари давлат ташрифи доирасида Мақтабгача таълим вазирлиги томонидан 20 га яқин учрашувлар ўтказилиб, тажриба алмашинуви, Ўзбекистонда экспериментал тарзда болалар боғчаларини очиш, биргаликда кадрлар тайёрлаш ва илмий изланишлар олиб бориш имкониятларини ўрганиб чиқиш бўйича келишувларга эришилди.

Сафар доирасида Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги томонидан Кореянинг қатор мақтабгача таълим ва бошқа турдаги муассасаларига ташрифлар уюштирилди ва уларнинг фаолияти ўрганилди, жумладан боғчаларнинг ўзига хос жиҳатлари, қўлланилаётган таълим бериш услублари, молиялаштириш ва тўлов тизимлари, педагогик ходимларнинг малака даражаси ва хизмат шароитлари, озиқ-овқат ва моддий-техник таъминот ҳамда соҳаларига тегишли дастурлар ва услублар атрофлича ўрганилди.

Педагоглар фаолияти учун максимал қулай шароитларнинг яратилгани, педагогнинг ижодий эркинлиги, катта ҳажмдаги ҳисоботларнинг йўқлиги, давлат боғчалари педагоглари ижтимоий статусининг юқорилиги, болалар ўзларини намоён қилишлари учун яратилган ижодий муҳит, жумладан хоналарнинг ҳатто кичик деталаригача қулай дизайни ва жиҳозлангани, улар учун бой адабиётлар ва ривожлантирувчи ўйинларнинг мавжудлиги, эрта болаликдан жамиятда ўзини тутиш ва шахсий гигиена кўникмаларини тарбия қилиш каби алоҳида жиҳатлар Корея мақтабгача таълим тизими муваффақиятининг асосини ташкил этади.

Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир жиҳат, давлат жамиятнинг энг ҳимояланмаган қатламлари, кам таъминланган оилалар ва ногирон болаларга, биринчи навбатда ғамхўрлик кўрсатади ва боғчаларга қабул давомида уларга устуворлик принципини қўллаиди ва шу сабабли ҳам, Кореяда инклюзив таълим принциплари таҳсинга сазовордир.

Кореянинг таълим тизимига кадрлар тайёрлашга ихтисослашган ва тасарруфида мақтабгача таълим муассасалари бўлган олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Санмёнг Университети, (Сангмёнг Университй) ҳамда Чунг-Анг Университети (Чунг-Анг Университй) билан Ҳадли келишувлар имзоланди, шунингдек Чоннам Миллий Университети (Чоннам Натионал Университй) билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.



Келишувлар ва Меморандум доирасида қуйидаги соҳалардаги ҳамкорлик назарда тутилган: талабалар, илмий-педагогик ва бошқарув мутахассислари ўртасида тажриба алмашинувлари, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишга қаратилган чоралар, жумладан энг янги дастурлар ва услубларни жорий қилиш, ҳамкорликда тадқиқотлар, конференциялар, кўرғазма ва семинарларни амалга ошириш, мактабгача таълим мутахассисларини тайёрлаш бўйича махсус қўшма магистрлик ва докторлик дастурларини ташкил этиш, шунингдек Ўзбекистонда экспериментал равишда Корея тизимига асосланган экспериментал боғчаларни ташкил этиш каби муҳим вазифалар назарда тутилган.

Мактабгача таълим вазирлиги делегациясининг Корея Республикасига ташрифи давомида болаларнинг эрта ривожланиши ва мактабгача таълим тизими соҳасига ихтисослашган нуфузли илмий-тадқиқот институтлари билан учрашувлар ҳам ўтказилди. Жумладан, 2017 йилнинг 23 ноябр куни Корея болалар парвариши ва мактабгача таълим масалаларини ўрганиш Институти (КИССЕ) билан Ҳадли келишув имзоланди. Келишув доирасида Мактабгача таълим вазирлиги ва КИССЕ ҳамкорлигида қўшма тадқиқотлар ўтказилади, педагогик кадрларни тайёрлаш орқали тажриба алмашинувига қаратилган дастурлар амалга оширилади, семинарлар ва конференциялар ташкил этилади. Шу билан бир қаторда ҳамкорлик асосида мактабгача таълим тизимини ривожлантириш стратегияларининг ишлаб чиқиши, таълим дастурлари ва стандартларининг қайта кўриб чиқиши, таълим статистикасини жорий қилиш назарда тутилган.

Сеул болаларни эрта ривожлантиришга кўмаклашиш Институти (Сеул Эарлй Чилдхуод Эдусатион Промотион Институти) билан 2017 йилнинг 22 ноябр куни ўтказилган учрашув чоғида қўшма тадқиқотларни ўтказиш, тажриба алмашинуви, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ қилиш имкониятини берувчи ҳамкорликдаги илмий-амалий тадқиқот муассасаларини ташкил этиш, ўқув-услубий материалларни тайёрлаш борасида келгусида ҳамкорлик битимларини имзолаш келишиб олинди.

Яна бир самарали учрашув – Мактабгача таълим вазирлигининг энг муҳим салоҳиятли ҳамкори – Корея Республикаси Таълим вазирлигининг Мактабгача таълим ва бола парвариши Департаментида бўлиб ўтди.

Учрашувда Корея томони Ўзбекистон делегациясига Кореяда мактабгача таълим ва бола парвариши босқичлари, соҳани ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш принциплари, янги НУРИ мактабгача таълим Миллий дастурини жорий қилиш жиҳатлари ҳақида маълумот бердилар. Шунингдек, тўлов тизимлари, таълим муассасаси туридан келиб чиққан ҳолда нархларни белгилаш принциплари, Давлатнинг мактабгача таълимга



йўналтираётган харажатлари, шунингдек истиқболдаги режалар, жумладан, мақтабгача таълим структурасида Давлат боғчалари улушини кенгайтириш, электрон қабул тизимини жорий қилиш, педагоглар малакасини ошириш ҳамда соҳани такомиллаштириш тенденциялари ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Корея Республикасининг тажрибаси албатта эътиборга молик ва ишонамизки, Ўзбекистонда мақтабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларида бу борадаги Корея модели элементлари албатта ўз аксини топади.

Таълимни онгли бошқаришнинг устувор самарадорлиги қонунийдир, чунки унда кечаётган жараёнларни режали бошқариш тизими амалда ушбу жараёнларни беихтиёр тартибга соладиган бошқариш тизимларидан самаралироқдир. Ҳозирги таълимда бошқаришнинг барча даражаларида дастурий-мақсадли ёндашув, тизимли ёндашув ва таҳлил кенг қўлланилаётганлиги бунинг далилидир.

Таълимга татбиқан бу тамойилнинг роли жуда катта, чунки тармоқнинг хусусияти ижро интизоми даражасигагина эмас, балки молиявий интизомга ҳамда вазирдан тортиб ўқитувчигача бўлган барча ходимларнинг ички интизомига оширилган талаблар қўйилишини тақозо этади. Шу билан бирга, интизом ходимларнинг ташаббусини бўғиб қўймаслиги ва ишга ижодий муносабатда бўлиш учун имконият қолдириши керак.

Рағбатлантириш тамойили, энг аввало, моддий ва маънавий рағбатлардан фойдаланиш асосида меҳнат фаолиятини мотиватсиялашни кўзда тутади. Моддий рағбатлантириш ходимларнинг меҳнат натижаларидан шахсий иқтисодий манфаатдорлигига, маънавий рағбатлантириш эса асосан ходимларга психологик таъсир кўрсатишга таянади. Ходимларнинг турли маънавий эҳтиёжлари, яъни мансублик, тааллуқлилиқ ва муваффақиятга бўлган эҳтиёжлари ундовчи сабаблар бўлиши мумкин.

Бинобарин, рағбатлантириш тамойили мазмунини, кўпинча амалиётда бўлганидек, фақат иш ҳақиға боғлаб қўйиш нотўғри. Рағбатлантириш, шунингдек, маънавий рағбат ва сабаблардан фойдаланишни, ходимларга адолатли муносабатда бўлишни ҳам кўзда тутади.

Иерархиклик (кўп поғоналилиқ) тамойили бошқарув меҳнатининг вертикал тақсимланишини, яъни, бошқарув даражаларининг бўлинишини ҳамда бошқарув қуйи даражаларининг юқори даражаларга бўйсунилишини кўзда тутади. Бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини шакллантиришда, бошқарув аппаратини тузишда, кадрларни жой-жойига қўйишда ушбу принцип ҳисобга олинади.

Бошқарувнинг барча тамойиллари бир-бири билан узвий боғланган ва

бири иккинчисини тақозо қилади. Масалан, режасиз, билимдон бўлмасдан, интизомсиз ва иерархикликсиз ташкилотнинг аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятини таъминлаб бўлмаганидек, бошқарувнинг бошқа (аниқ мақсадга йўналтирилганлик, режалилик, билимдонлик, рағбатлантириш, интизом) тамойилларини инкор этган ҳолда бошқарув тизимининг аниқ фаолият юритишига эришиб бўлмайди.

Бошқарувнинг умумий тамойиллари билан бирга юқорида таъкидлаб ўтилганидек, маҳаллий хусусиятга эга бўлган ва фақат айрим бошқарув жараёнларини ҳамда бошқарув жиҳатларини тартибга соладиган хусусий тамойиллари мавжуд. Масалан, таълим муассасаларини бошқаришга татбиқан, одатда, бошқарув жараёнларининг узлуксизлиги ажратиб кўрсатилади.

Бошқарув қонуниятлари ва тамойиллари бошқариш функциялари билан узвий боғлиқдир.

Таълимни бошқариш функциялари - бу улар бошқарадиган кичик тизим бошқарув объектига таъсир кўрсатишида ёрдам берадиган фаолият турларидир. Бошқарув функциялари умумий ва хусусий (махсус) функцияларга бўлинади. Умумий функциялар бошқарувнинг барча ижтимоий тизимларига хос функциялардир. Хусусий функциялар муайян хусусиятга эга.

Менежментга татбиқан стратегик режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш, назорат каби умумий функциялар ажратиб кўрсатилади.

Кишилар хатти-ҳаракатида эҳтиёжлар ва манфаатлар муҳим роль ўйнайди. Эҳтиёж - бу инсоннинг бирон-бир камчиликни физиологик ва психологик ҳис қилиши, тақдирлаш эса инсон ўзи учун кадрли деб ҳисоблаган барча нарсани ҳис қилиши демакдир. Англаб етилган эҳтиёжлар ҳаракатга ундайди. Одамларнинг фаолияти билан эришиладиган эҳтиёжларнинг йиғиндиси бошқарув методларининг иқтисодий, ташкилий-бошқарув ва ижтимоий-психологик сингари мотиватсион йўналишларини белгилаб беради.

Бошқарувнинг иқтисодий методлари моддий мотиватсияни, яъни муайян кўрсаткичлар ёки топшириқларни бажаришга ва, улар бажарилгач, иш натижалари учун иқтисодий тақдирлашга йўналтиришни тақозо этади. Шундай қилиб, бошқарувнинг иқтисодий методларидан фойдаланиш иш режасини шакллантириш ва унинг амалга оширилишини назорат қилиш билан, шунингдек меҳнатни моддий рағбатлантириш, яъни муайян миқдор ва сифатдаги меҳнат учун тақдирлашни ҳамда миқдори мувофиқ келмаганлиги ва тегишли сифатга эга бўлмаганлиги учун жазо чораси қўлланилишини кўзда тутувчи иш ҳақининг оқилона тизими билан боғлиқдир.

Бошқарувнинг ташкилий-бошқарув методлари қонунга, ҳуқуқ-тартиботга, лавозими бўйича ўзидан юқорироқ бўлган ходимга бўйсунушга, яъни ҳокимият мотиватсиясига асосланади. Бошқарувда бу мотиватсия ғоят муҳим

роль ўйнайди. У давлат даражасида қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга шубҳасиз риоя қилинишинигина эмас, бошқарув ходимлари ва улар қўл остидагиларнинг бошқарув ходимининг кўрсатмаси унинг қўл остидагилар томонидан ижро этилиши мажбурий қилиб қўядиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилишини ҳам тақозо этади. Бошқарув ходимининг қўл остидаги ходимларнинг ушбу муносабатларга риоя этмасликлари жазо чоралари (танбех, ҳайфсан, ишдан бўшатиш ва ҳ.к.) қўлланишига олиб келади.

## **2. Хорижий таълимдаги тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модераторлик фаолияти тушунчаларини жорий этиш.**

Педагогика фани билимлар соҳаси ва ижтимоий амалиёт соҳаси каби жаҳон ривожланиш умумий тенденциялари ва қонуниятларига биноан ривожланади. Шунинг учун касбий-педагогик таълим чет эл тажрибаларини ўрганиш уни илмий тушуниш илғор ғоялардан миллий таълим амалиётида фойдаланиш айниқса долзарб ҳисобланади. "Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги позитив жаҳон тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча элементларига тааллуқли ва унинг ривожланиши омилларидан бири ҳисобланади". Шу билан бирга миллий ғоялар ва анъаналарда қурилган таълим ҳар доим миллий ривожланиш масалаларига жавоб беришини эсда тутиш керак.



Бундай таълимнинг техник ёки ташкилий шакллари турлича бўлиши мумкин баъзан умуман одатдан ташқари тасаввур қилиб бўлмаган кўринишларга эга бўлиши мумкин. Аммо бизнинг чуқур ишонч ҳосил қилишимизга охир-оқибат одамнинг таълим олиши натижаси фақат ўқув фаолияти шакллари шу жумладан масофавий таълим билан белгиланмайди балки ўқув жараёни қуриладиган таянч психологик - педагогик мазмунга боғлиқ бўлади. Айнан мана шу мазмунларини излаб топиш миллий менталитетга нисбатанмасофали таълим асосларини ишлаб чиқиш бошланғич

вазифаси ҳисобланади. Бу "наrsa" турли рамзий амалиётлар экранларида акс эттирилиб намоён бўлади. Фикри сезгилари ва ҳаракатларида моддийлашади.

Хорижий таълимда сўнгги йилларда бир қатор атамалар кенг ишлатилмоқда. Буларга тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модератор тушунчалари киради.

**ТЮТОР** - (*Tutorem-лотинча*) устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан тингловчи орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маъруачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради.

**ЭДВАЙЗЕР (advisor)**-французча “avisen”“ўйламоқ”) тингловчиларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойихаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради.

**ФАСИЛИТАТОР** - (инглиз тилида *facilitator*, латинча*facilis*—енгил, қулай)- гуруҳлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги коммуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.

**МОДЕРАТОР** -Қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, тингловчиларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра суҳбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.

Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти бой чет эл ва миллий тажрибалар тадқиқотлар йўналишлари умуман долзарблигини тасдиқлайди. Янги педагогик ахборот ва телекоммуникатсия технологиялардан фойдаланишга асосланган таълим олиш усулидан бири ҳисобланган масофали таълим моҳиятини тушунишга бизни яқинлаштиради. Таълимнинг синтетик интеграл ва гуманистик шакли ҳисобланувчи масофали ўқитишнинг айнан назарий ва амалий масалалари таълимни ислоҳ қилиш шароитларида миллий таълим тизими олдида турган муаммолар катта қисмини ҳал этиши керак.

Чет эл таълим тизимларида масофали ўқитишнинг ташкил топиши ва ривожланиши жараёнини ўрганишда таълим муассаларида масофали ўқитишни амалий ташкил қилиш турли шакллари ва вариантларини ҳамда масофали таълимни дидактик таъминлаш воситаларини таҳлил қилишга эътиборни қаратиш зарур.

Солиштириш методи моҳиятини хитой олими Х. Шу ва Н. Чжоулар тўла очиб берадилар: "Агарда миллат вақт ўқида ўзининг турган жойини тарихий ёки "вертикал" солиштиришлар билан аниқлай олса шунда у миллатлараро ёки "горизонтал" солиштиришлар ёрдамида дунёдаги ўз ўрни тўғрисида



яхшироқ тасаввурга эга бўлади. Шу билан бир вақтда "вертикал" солиштириш ишонч уйғотади "горизонтал" эса реалист бўлишга мажбур этади".

Масофали таълим - масофада туриб ўқув ахборотларини алмашиш воситаларига асосланувчи махсус ахборот таълим муҳити ёрдамида таълим хизматлари тўпламидан иборат. Масофали таълим ахборот - таълим муҳити фойдаланувчилар таълим олиш эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган маълумотлар узатиш воситалари ахборот ресурслари ўзаро алоқалар протоколлари аппарат - дастурли ва ташкилий-методик таъминотлар системали - ташкилий тўпламидан иборат.

Масофали таълим - ўқитувчиларга ўрганилаётган материал асосий ҳажмини етказиб беришни ўқитиш жараёнида ўқитувчилар ва талабларнинг интерактив ўзаро алоқаларини, тингловчиларга ўрганилаётган материални мустақил ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш имконини беришни ҳамда ўқиш жараёнида уларнинг олган билимларини ва кўникмаларини баҳолашни таъминловчи ахборот технологиялари тўплами.

Келтирилган тушунчалардан таққослаш тадқиқотини ўтказишда дунёда масофали ўқитиш таълим муҳити қандай шаклланишига асосий эътиборни қаратиш зарурлиги кўриниб турибди. Шу билан бирга бизни биринчи навбатда таълимнинг мана шу соҳаси ривожланиши тенденциялари қизиқтиради. Умуман таълимнинг ноанъанавий шаклларига ўтишда дунё тенденциялари янги ахборот технологиялари бўйича тайёргарлик олиб борувчи касбий ўқув юрларининг сони ортиб бориши кузатилади.

Университетлар ташкилий тизимларининг бирлаштирилиши масофали таълимнинг ўзига хос тенденцияси ҳисобланади. Мисол учун охириги йилларда масофали университет таълими ташкилий тузилиши янги тури - университетлар консорсиуми ривожланмоқда. Бир неча университетлар фаолиятини бирлаштирувчи ва бошқарувчи махсус ташкилот масофали таълим хизматларини кўрсатмоқда. Университетлар консорсиуми турли университетларда ишлаб чиқилган абитуриентлар учун курслардан тортиб илмий даража олишгача бўлган курслардан иборат курслар тўпламини таклиф этади.

Ғарбий Европада олий таълим олиш даражасидан масофали таълим "очик университетлар" деб аталувчи шаклларда амалга оширилади. Миллий очик университетлар кўп жиҳатдан сиртқи таълим ташкилий принципларидан фойдаланадилар. Очик таълим асосида - ўқитувчилар ўзлари олдиларида турган таълим мақсадларига эришишга интилиб тўла мустақил йўналадиган таълим муҳити пухтаишлаб чиқилган.

Таълимнинг очиклиги принципи қуйидагини англатади: олий ўқув юртига очик ўқишга қабул қилиши яъни зарур ёшга етишдан ташқари (18 ёш) ҳар

қандай шарт ва талаблардан воз кечиш; ўқишни очиқ режалаштириш яъни курслар системасидан йўли билан ўқиш индивидуал дастурини тузиш эркинлиги; ўқиш вақти ва суръатларини эркин танлаш яъни бутун йил давомида тингловчиларни олий ўқув юртига қабул қилиш ва белгиланган ўқиш муддатларининг йўқлиги; ўқиш жойини эркин танлаш: ўқув вақти асосий қисмида тингловчилар ўқув аудиторияларида жисмонан бўлмайдилар ва қаерда ўқишнимустақилтанлайоладилар.

Очиқлик принципини амалга ошириш катта ташкилий янгиликларга олиб келди уларни ахборотларни сақлаш қайта ишлаб чиқиш ва етказиш янги технологияларини татбиқ этиш ҳисобига амалий амалга оширилиши мумкин бўлди. Мисол учун ўтган аср 90-йилларида телеконференциялар ўтказиш технологияси асосида масофали таълим янги модели пайдо бўлди. Моделнинг асосини ўқитувчилар ва ўқитувчилар ўртасида ўзаро алоқалар асосий шакли ҳисобланган ҳақиқий вақт давомида ҳам бўлиши мумкин бўлган телеконференциялар ўтказишдан иборат. Шу билан бирга телеконференциялар ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида ҳам ва ўқувчиларнинг ўзлари ўрталарида ҳам ўтказилиши мумкин. Булар аудио аудиографик видео-компютерли телеконференциялар бўлиши мумкин. Телетаълим модели яқинда пайдо бўлди лекин у замонавий таълимда ташкил этишда тубдан ўзгаришларга олиб келмоқда. Мана шу асосида замонавий таълимнинг янги ташкилий шакли - виртуал университетлар ривожланаётганлигида бу яққол намоён бўлмоқда. Ўқишнинг бу шаклини биз янги таълимнинг энди пайдо бўлаётган модели сифатида қараймиз. Мазкур моделида Ўқув мақсадларида фойдаланиладиган телеконференциялар технологиясига эга бўлган таълим тизимини қайта қуриш мавжуд имкониятлари амалга оширилади. Бу технологиялар тингловчилар гуруҳларига ва алоҳида ўқитувчиларга бир-биридан ҳар қандай масофадан туриб ўқувчилар билан ва ўзаро учрашиш имконини беради.

Бундай замонавий телекоммуникация воситалари босма матнлар аудио ва видеотасмалар ўрнини босувчи компьютерли ўқув дастурлари билан тўлдирилади. Масофали таълимнинг бундай модели пайдо бўлиши фақатгина масофадан туриб эмас, балки таълим муассасаси қандайлигидан қатъий назар таълим беришни олиб боришга олиб келади. Бундай модел ҳали тўла амалга оширилган эмас. Бу модел катта қийинчиликларга дуч келмоқда хусусан жамоатчилик томонидан тан олинishi ва маълум илмий даража бериш диплом ва сертификатлар бериш ҳуқуқини олиш (виртуал университет аккредитацияси) муаммолари. Мана шу қийинчиликларни йўқотиш ва виртуал университет моделининг тўла ривожланиши замонавий таълим ташкилий тузилишида чуқур ўзгаришларни англатади.



Масофали таълим фақатгина миллий таълим тизими (институционал) доирасидагина эмас балки олий таълим бутун дастурининг тўртдан бир қисмини ташкил этувчи асосан бизнес соҳасида тайёрлашга йўналтирилган алоҳида тижорат компаниялари томонидан ҳам ривожлантирилади алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. ИБМ Генерал Моторс Форд каби ва бошқа компаниялар томонидан хусусий корпоратив таълим тҳармоқлари яратилган. Мана шу таълим тизимларининг кўплиги мураккаблиги бўйича ҳам ва сони бўйича ҳам университетларда яратилган тизимлардан анча илгарилаб кетган.

Охирги ўн йилликлар давомида масофали ўқитишнинг ривожланиши узлуксиз таълим воситаси сифатида дунё ҳамжамиятининг диққат маркази объекти ҳисобланади. 1990 йил мҳарт ойида Европа комиссияси "Масофали ўқитиш ва касбий тайёрлаш" ишчи ҳужжатини қабул қилди бу ҳужжатда таълим "айниқса таълимнинг самаралилиги нуқтаи назаридан қизиқарли. Юксак сифатли таълим технологиялари марказда ишлаб чиқилиши ва шундан кейин жойларда тарқатилиши мумкин" дейилган. Масофали таълим учун қулай шароитлар яратиш учун 1994 йилда Европа комиссияси "Леонардо да Винчи" дастурини ишга солди. Ушбу дастур "бутун ҳаёти давомида узлуксиз таълимни ва тайёрлаш янги шакллари" тизимини ривожлантириши керак. "Сократ" дастури "уйда таълим олишни европа масштабига олиб чиқиш" мақсадини ўз олдига қўяди.

Масофали таълим соҳасида фаолиятни мувофиқлаштириш учун бутундунё масофали таълим ассоциацияси (WAOE) ташкил этилди бу ассоциация масофали таълим минтақавий таълим тизимларини бирлаштиради.

Дунёда масофали таълимнинг тизимлари турли-туманлиги хизматлар кўрсатиладиган таълим ва ташкилий шакллари жуда хилма-хиллиги сабабли ҳатто оддий турларга ажратиш ҳам жуда қийин. Қуйида чет эл нашрлари материалари бўйича масофали таълим ўқитиш тизимлари энг эътиборлиларикўрсатибўтилган.

Мамлакат Масофали таълим ўқитиш тизими Белгия Брюсселдаги Олий иқтисодиёт мактаб.(ЕСАЛ)АҚШда масофали таълимнинг ҳолати ва тенденцияларини алоҳида кўриб чиқишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Биринчидан таълимнинг бу тури ўқувчилар кўп қисмини қамраб олган иккинчидан ўқитиш масофали шакли анъанавий таълим тизимлари билан (мактаб ўрта таълимдан кейинги ҳамма таълим турлари фирмалар ичидаги касбийтаълим)табиийравишдабирлаштирилган.

МДХ давлатларида фақатгина 1 миллионга яқин одам масофали таълим тизимида ўқитилади. Мисол учун 40 та инженерлик мактабларидан консорсиум ташкил этувчи Миллий технологик университет 90-йиллардаёқ масофали таълим методи билан 1100 тингловчиларни магистр даражасига



тайёрлашни таъминлади. Масофали таълим учун АҚШда телевидениедан кенг фойдаланилади. ПБС-ТВ оммавий телекўрсатувлар тизими доирасида миллиондан ортиқ тингловчилар ўқитилади. Катталарни ўқитиш дастури фан бизнес бошқарув курсларини ўз ичига олади. Бизнес молия ва АҚШдан чиқишсиз ҳуқуқи соҳасида бакалавр магистр ва доктор диплом ҳамда илмий даражаларини олиш билан америка Кеннеди-Вецери университетидаги масофали ўқитиш дастури таълим хизматлари орасида алоҳида ўрин тутади. Дастур халқаро тан олинган мавқеини олишни истаган бизнесменлар ва банкирлар учун мўлжалланган. Майк Харт томонидан бошқариладиган Иллиное штати Бенедикт коллежи "Гуттлер берг" лойиҳаси АСЧ-файллар кўринишида классик асарларни иложи борича кенг аудиторияга етказиш мақсадини ўз олдига қўяди. Америка таълим хизматларини таълим хизматлар бозорида тақдим этишда БМИ (Бусинесс Манагемент Интернационал) - Калифорния штатида (АҚШ) Сан-Франциско шаҳрида штаб-квартирасига эга ихтисослаштирилган америка консалтинг компанияси катта фаоллик кўрсатмоқда. Шундай қилиб масофали таълим фаолиятига келтирилган мисоллардан Ғарбда масофали таълимнинг ривожланиши асосий тенденцияси масофали таълим тизими орқали тақдим этиладиган таълим хизматларининг кенглиги ва турли хиллиги ҳисобланади деган хулосага келиш мумкин. Бундан ташқари масофали таълимнинг ривожланиши ахборот ва телекоммуникация технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқдир.

Ҳозирги замон талабига тўлиқ жавоб берадиган мутахассисни тайёрлаш бу – давр талабидир. Ҳозирги вақтда республикамизда ёш авлодни тарбиялаш ўқитиш билим бериш замонавий ахборот технологияларга яқиндан ёндашиш ҳамда янги техника ва технологиялар билан ишлашни ўргатиш мақсадида жуда кўп ижобий ишлар амалга оширилиб борилмоқда. Улардан асосийси "Масофадан ўқитиш техника ва технологияси"дир. Шу нуқтаи назардан ёш авлодни масофадан ўқитиш тизимига тайёрлаш босқичларини қуйидаги кўринишда амалга ошириш мумкин.

Ҳозирги ахборот технологиялар жадал ривожланиб бораётган даврда масофавий ўқитиш катта аҳамият касб этмоқда. Чунки таълимнинг бу тури шу пайтгача мавжуд бўлган таълим турларидан ўзининг айрим ижобий томонлари билан ажралиб туради. Мўнинг кундузги ва бошқа таълим турларидан фарқли жиҳати шундаки мазкур таълим турига жуда кенг аҳоли оммасини жалб қилиш мумкин. Мўўзида кундузги ва сиртқи таълим турларининг ижобий хусусиятларини мужассам этади

Шу жиҳатларига кўра Мў ҳозирги кундаги истиқболли таълим турларидан бири ҳисобланади. Мў асосида таълим бериш учун ўқиш истагида бўлган аҳолининг муайян қисмини таълим муассасаси жойлашган ерга йиғиш

шарт эмас. Иккинчидан тингловчи ёки ўқувчи томонидан ортиқча сарф – харажат қилиш зарурати бўлмайди. Учинчидан бу таълим турига жалб қилинувчиларнинг ёш чекланишларини истисно қилиш мумкин. Мўга жалб қилинувчи контингентни қуйидаги ижтимоий гуруҳларга мансуб бўлган шахслар ташкил қилиши мумкин:

- иккинчи олий ёки қўшимча маълумот олиш малака ошириш ва қайта тайёргарлик ўташ истагида бўлганлар;
- минтақавий ҳокимият ва бошқарув раҳбарлари;
- анъанавий таълим тизимининг имкониятлари чекланганлиги сабабли маълумот олаолмаган ёшлар;
- ўз маълумот мақомини замонавий талаблар даражасига кўтариш истагида бўлган фирма ва корхоналар ходимлари;
- иккинчи параллел маълумот олишни хоҳлаган тингловчилар;
- марказдан узоқда кам ўзлаштирилган минтақалар аҳолиси;
- эркин кўчиб юриши чекланган шахслар;
- жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар;
- ҳарбий хизматда бўлган шахслар ва бошқалар.

“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мақсад ва вазифалари босқичма – босқич рўёбга чиқарилишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимларнинг роли муҳим аҳамият касб этиши ҳаммага аён дир. Замонавий ахборот технологияларига: мультимедиа бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш, бир алифбодан иккинчи бир алифбога ўтказиш, компютерли тест назорати, сканер технологияси, интернет, электрон почта, Веб – технология, электрон виртуал кутубхона, масофадан туриб таълим бериш, тақдим этиш технологияси, сунъий тафаккур тизимлари ва бошқалар киреди.

Таълим сифатини бошқариш тизимининг амалга оширилиши улкан инсоний ва молиявий саъй-ҳаракатларни талаб қилади, ушбу ҳаракатларга ҳақ тўланиши учун эса бундан олинадиган фойда намойиш қилиниши керак. Сифатни ошириш бўйича ҳар қандай лойиҳага чиқимни қоплаш, яъни у қилинган харажатдан кўпроқ фойда бериш-бермаслиги жиҳатидан ёндашиш керак. Таълим жараёнини тартибга солиш ва исталган натижага - таълим сифатига эришиш учун уни давлат характерига ва халқаро характерга эга ҳужжатлар билан тартибга солиш зарурлиги давлат таълим стандартларини жорий этиш учун жуда долзарб дир. Бундай ҳужжатларда белгиланган нормалар ва талаблар таълим жараёнининг вазирликлар ва идоралар (ҳамда уларнинг жойлардаги органлари)дан тортиб то таълим муассасалари маъмурияти, педагоглар, ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналаргача барча

иштирокчилари томонидан сўзсиз бажарилиши шарт бўлади.

### **3-Мавзу Мактабгача таълим ташкилотларида янги дастурлар асосида ишлай оладиган кадирларни сифатини ошириш.**

#### **Режа:**

1. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан илғор инноватцион технологиялар ва янги дастурлар асосида ишлай оладиган педагогларни тайёрлаш.

2. Замонавий технологияларни жорий қилш орқалий жаҳон стандартларига мос келадиган мутахассисларни тайёрлаш.

#### **1. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан илғор инноватцион технологиялар ва янги дастурлар асосида ишлай оладиган педагогларни тайёрлаш.**

Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим концепсияси”да кўрсатиб ўтилганидек, мактабгача таълим – бу кўп томонламали, мақсадга йўналтирилган, боланинг таълимнинг кейинги босқичи – мактаб таълимига тайёрловчи, жисмоний, руҳий, индивидуал ва ёшга доир ривожланишини таъминловчи таълим ва тарбия жараёнидир<sup>1</sup>. Мактабгача таълимнинг вазифаларига эса қуйидагилар киради: 1) болаларни халқнинг бой миллий, маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида ақлий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш; 2) болаларда миллий ғурур, ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш; 3) мактабгача таълим ёшидаги болаларда билим олиш эҳтиёжини, ўқишга интилиш майлларини шакллантириб, уларни мунтазам равишда таълим жараёнига тайёрлаш; 4) болаларнинг тафаккурини ривожлантириш, ўзининг фикри-ни мустақил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш; 5) болаларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини таъмин-лаш. Мактабгача таълим муассасалари ҳудудларнинг демографик, ижтимоийиктисодий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ва тугатиш Қонунга мувофиқ равишда амалга оширилади. Мактабгача таълим муассалари юналишига караб қуйидаги турларга бўлинади: - болалар яслиси, болалар боғчаси, болалар ясли боғчаси, хонадон болалар боғчаси; - боғча-мактаб мажмуаси; - тарбияланувчиларни бир ёки бир неча устувор юналишларда ривожлантирадиган мактабгача таълим муассасаси

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, маънавий ва жисмоний соғлом баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини



мустаҳкамлаш масалалари ҳукуматимиз олиб бораётган ишларнингустувор йўналишларидан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021-йилларда мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Дастур асосида кенг кўламли комплекс тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда зарур шарт-шароитлар яратиш;

мақтабгача таълим муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув режа ва дастурларини замонавий педагогик технология ва методларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш;

2200 та мақтабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан қишлоқ аҳоли пунктларида янги мақтабгача таълим муассасаларини қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган инвентар, ускуналар, ўқув-методик қўлланмалар, мултимедиа ресурслари билан таъминлаш. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун жами 2.2 триллион сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Қарор билан белгиланган комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида қуйидагиларга эришилади:

- юқори сифатли мақтабгача таълимни таъминлаш, болаларни сифатли мақтабга тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига муқобил дастурларни жорий этишга;

- болаларни мақтабга тайёрлашнинг муқобил шакли бўлган 6100 та қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этишга;

- 3-6 ёшдаги мақтабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган болаларни уларнинг ота-оналарини методик қўлланмалар билан таъминлаш орқали мақтаб таълимига тайёрлашни ташкил этишга;

- мақтабгача таълим муассасалари тармоғини 50 та янги қурилиш ҳамда мавжуд муассасаларнинг 1167 тасини реконструкция қилиш ва 983 тасини мукамал таъмирлаш орқали кенгайтиришга;

- қишлоқ жойлардаги мақтабгача таълим муассасаларида ота-оналар бадал тўловини 30 фоизгача камайтиришга;

- болаларнинг мақтабгача таълимга қамровини 1,5 баробарга оширишга.

Дастурнинг самарали амалга оширилиши унда кўзда тутилган кўрсаткичлар ижросининг боришини тизимли мониторинг қилиб бориш орқали давлат органларининг доимий назоратида бўлади. Бу қарор мақтабгача таълим тизимини янада такомиллашувига хизмат қилади. Мақтабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия ишлари тегишли дастур асосида амалга

оширилади, мазкур дастурда болаларни ҳар томонлама ақлий ва ахлоқий ривожланиши, атроф-олам ҳақидаги билимлар доираси, тегишли луғат ҳажми ҳамда болаларнинг ҳар бир ёш босқичида ўзлаштиришлари лозим бўлган нутқий маҳорат ва кўникмалари белгилаб қўйилган бўлиб, у муайян шахс сифатларини тарбиялашни кўзда тутаяди. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларининг асосий йўналишларидан бири нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарликдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. М. Мирзиёев 7 феврал 2017 йил куни “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли фармоннида “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналиш аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникатсия ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизатсиялаш, аҳолини электр энергия, газ билан таъминлашни яхшилаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутаяди.

Глобаллашув шароитида ўзига хос ижтимоий институт ҳисобланувчи мактабгача таълим муассасаларида ҳам ижтимоий-педагогик фаолиятни йўлга қўйиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бинобарин, болаларни мактабгача таълим ёшидан ижтимоий муносабатларга мослаштириш турли салбий ҳолатлар юзага келишининг олдини олишда ўзига хос долзарблик касб этади.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорида; мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим –тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини тадбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, естетик, жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида этибор қаратилди. Бу қарор мактабгача таълим тизимини янада такомиллашувига хизмат қилади.

Ўзбекистон республикаси Давлат МТ тўғрисидаги Низом Мамлакатимизда миллий генофондни мустаҳкамлаш, ёш авлодни етук кадрлар этиб тарбиялаш масалаларига доимий эътибор қаратиб келинмоқда. 2017 йил 16 август куни бўлиб ўтган йиғилишда таълим тизимини ривожлантиришнинг



кўплаб йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, мақтабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур муассасаларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича муҳим вазифалар қўйилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли Қарорига мувофиқ: мақтабгача таълим тизимини комплекс ривожлантириш, болаларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг барча жиҳати белгилаб берилди. Хусусан, фармонда қайд этилганидек, мамлакатимизда сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мақтабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдроқ камайган бўлиб, бугунги кунда республика бўйича болаларнинг мақтабгача таълим билан қамраб олинishi 30 фоизни ташкил қилади, холос. Шунингдек, мақтабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси ҳам замонавий талабларга деярли жавоб бермайди. Қолаверса, ҳудудларда мақтабгача таълим муассасаларида кўпроқ ўрта махсус маълумотли кадрлар фаолият юритаётгани боис мақтабга тайёрлов гуруҳларида машғулотлар етарлича ўтилмаётгани, кўплаб боғчалар бинолари талабга жавоб бермаслиги, айниқса, болалар қамрови туманлар кесимида олинганда, 18 — 20 фоизни ташкил этиши ҳеч кимга сир эмас. Мазкур ҳужжатда соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, мақтабгача ёшдаги болаларни тарбиялашда хорижий тажрибалардан кенг фойдаланиш, уларга шарт-шароитлар яратиш, болалар қамровини босқичма-босқич кенгайтириш, ёш авлодда китоб ўқишга қизиқиш уйғотиш, уларнинг соғлом ва тўғри овқатланишини ташкил қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш каби жуда долзарб масалалар қамраб олинган. Мақтабгача таълим муассасалари раҳбар ҳамда педагог ходимларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ҳам ўта муҳим масалалар сифатида кўрсатилгани, айниқса, эътиборга молик.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги тузилиши бу борадаги бошқарув тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Энди идоравий мансублигидан қатъи назар, давлат тасарруфидаги барча мақтабгача таълим муассасаси мазкур вазирлик тизимига ўтказилади. Вазирлик зиммасига бир қатор муҳим вазифалар юклатилди. Хусусан, мақтабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олиб, мақтабгача ёшдаги болаларни ҳар жиҳатдан интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, давлат ҳамда нодавлат мақтабгача таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобига фарзандларимизни

мактабгача таълим муассасаларига босқичма-босқич тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш ана шулар жумласидандир. Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасаларини миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйин ҳамда ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан таъминлаш, тажрибали юқори малакали, касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ва тарбиячиларни ўқув-тарбия жараёнига жалб қилиш кабилар ҳам вазирликнинг диққат-эътиборида бўлади. Умуман, ҳужжатлар узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини саналмиш мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларининг давлат ҳамда нодавлат тармоғини кенгайтириш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлашда дастуриламалга айланади. Ўзбекистон Республика Президентини Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 октябр куни мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда “Қайси соҳани олмайлик, биз замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон-бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади”, деб таъкидлади.

Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғини ҳисобланади. Мутахассис ва педагогларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Ана шу далилнинг ўзи болаларимизнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида боғча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди.


Бунга қўшимча исбот қидириб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Боғча тарбиясини олган бола билан боғчага бормаган болани солиштирганда, уларнинг фикрлаш даражаси ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини сезиш қийин эмас.

Шунинг учун ҳам биз мактабгача таълим тизимини қайта кўриб чиқиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариб, бу борада катта ишларни бошландик. Агар шу ишни ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширсак, бутун таълим тизимида сифат ўзгаришига эришишимиз, таълимнинг узлуксизлигини таъминлашимиз қийин бўлади, дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

## **2. Замонавий технологияларни жорий қилш орқалий жаҳон стандартларига мос келадиган мутахассисларни тайёрлаш.**

**Педагогик илмий тадқиқот методлари.** Мактабгача педагогика бола тарбиясида унинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиб боради. Шу

боис педагогика учун педагогик психологиянинг бола хусусиятлари, уларда ўтадиган психик жараёнларининг қонуниятлари ҳақидаги маълумотлар муҳимдир. Шунга кўра педагогиканинг психологик фани билан боғлиқлиги анъанавий тус олган.



Ҳозирги замон педагогикаси кўп тармоқли фан бўлиб, аввало у тарбия ижтимоий ҳодиса эканлиги жиҳатидан педагогика тарихи билан боғланади. Педагогиканинг бошқа фанлар билан боғланиш тизимида этнография, халқ педагогикаси алоҳида ўрин тутади.

#### ***Адабиётлар билан ишлаш методи.***

Педагогик муаммоларни тадқиқ этиш адабиётларни ўрганишдан бошланади. Ўрганилган ҳужжатлар ва манбаларга халқ маорифига алоқадор ҳужжатлар, қонуншуносликка оид ҳуқуқий ҳужжатлар киради. Шу билан бирга педагогика фанига оид булган тарихий педагогик адабиётлар, дарсликлар, ўқув-методик ишланмалар ҳам киради. Адабиётларни ўрганиш методи муаммоларининг қай томонлама яхши очилган, қайси масалаларни хал этилмагани кабиларни билиш имкониятини беради. Адабий манбалар билан ишлаш қуйидаги методлардан фойдаланишни назарда тутади: библиография тузиш, аннотатсия, конспектлаштириш.

#### ***Илгор тажрибаларни ўрганиш методи.***

Мактабгача педагогиканинг кўпгина муаммоларини ҳал этишда таълим-тарбия соҳасида орттирилган тажрибалар муҳим аҳамият касб этади. Тажрибани ўрганиш жараёнидаги муаммо, ютуқ ва камчиликлар аниқланади. Педагогик тажрибаларни ўрганишда кузатиш, анкеталаштириш, тарбиячи ва болаларнинг ижодий ишлари, педагогик ҳужжатларни ўрганиш методларидан фойдаланилади.



### ***Кузатиш методи.***

Маълум бир педагогик ходисани бирор мақсадни кўзлаб мунтазам равишда ўрганиш, таълим-тарбия жараёнининг турли шароитларида унинг ривожланиши ва ўзгаришини кузатиб боришдир. Кузатишдан асосий мақсад фактлар тўплаш, унинг муҳим томонларини ажратиб боришдир. Кузатиш белгиланган аниқ режа асосида олиб борилади.

### ***Суҳбат методи.***

Суҳбат аниқланиши керак бўлган масалаларни ойдинлаштириб олиш мақсадида, олдиндан тузилган режа асосида ўтказилади. Суҳбат яқка тартибда, ҳамда жамоа тарзида бўлиши мумкин. Суҳбат болалар ҳаётининг у ёки бу воқеа ходисалари тўғрисидаги қизиқишларини, тасаввурларини аниқлаб олишга ёрдам беради. Суҳбат ёшлар билан ҳам, катта ёшдаги кишилар билан ҳам ўтказилади.

### ***Анкета йўли билан сўраш методи.***

Анкета йўли билан сўраш методининг бошқа методлардан афзаллиги шундаки, қисқа вақт ичида анкета орқали анчагина кишиларга саволлар бериб, улардан ёзма жавоблар олиш мумкин. Олинган жавоблар кўриб чиқилади ва таҳлил қилинади.

### ***Ҳужжатларни ва болаларни ишларини ўрганиш методи.***

Педагогик ҳужжатларни ўрганиш орқали тадқиқотчи ўрганилаётган объект тўғрисида ҳар хил маълумотларни билиб олади. Бунга МТМ мудирлари, тарбиячиларнинг режалари ва ҳисоботлари, МТМ тарбияланувчиларининг расмлари, лойдан ясаган буюмлари ва шу кабилар киради. Масалан: боланинг анча илгари чизган расмларини қараб чиқиш, таҳлил қилиш, болаларга берилган топшириқларни қай даражада мураккаблашиб борганини, уларда тасвирлаш фаолияти қандай ривожланиб борганини аниқлашга ҳамда улар билан олиб бориладиган кейинги ишларни белгилашга ёрдам беради.

Мутахассислар тайёрлаш ва улардан фойдаланишда рақобатчилик шароити йўқлиги, бу ҳол уларнинг таълими сифатига қўйиладиган талаблар жиддий пасайишига олиб келди.

Мазкур сабаблардан ташқари, тайёрлаш жараёнида сифатни яхшилаш кўзда тутилмаган, бир хил даражадаги қатъий чекланган олий таълим тизими ҳам мутахассислар тайёрлаш сифатининг пасайишига олиб келди. Одатда, қанча қабул қилинган бўлса, шунча мутахассис чиқариларди (озгина сараланиш бундан мустасно), тўғрироғи, шунча олий маълумот тўғрисидаги диплом бериларди. Бунда, одатда, рақобатбардош потенциал мутахассислар барча битирувчиларнинг 7—12 %дан ошмасди.

Касб-хунар таълимининг барча даражаларида шундай кадрлар



тайёрлашнинг натижаси кўпчилик битирувчиларнинг сифати пастлиги ҳамда рақобатга дош беролмаслигидан иборат бўлдики, бу мустақил

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишида жиддий иқтисодий зиён етказди.

АҚШ, Германия, Япония, Франция ва бошқа ривожланган мамлакатлар тажрибаси барча даражалардаги кадрлар тайёрлаш сифати ва уларнинг рақобатбардошлигига:

- Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг жипс алоқаси;
- Таълим муассасалари типларининг ва фан, техника, технология ҳамда иқтисодиётнинг энг сўнгги ютуқлари асосида ишлаб чиқилган касб-ҳунар таълими дастурларининг хилма-хиллиги;
- касб-ҳунар таълими тизимини иқтисодиётнинг устувор ҳамда даромад келтирадиган тармоқига айлантириш;
- таълим муассасаларини замонавий ўқув-услубий адабиётлар ҳамда моддий-техника базаси билан таъминлаш;
- касб-ҳунар таълими тизимига юқори малакали ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб этиш;
- таълим жараёнини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш;
- кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш ва баҳолашнинг объектив тизимини қўллаш;
- ақл-идрокнинг ривожланиши, ўлчаниши ва баҳоланиши, қобилиятлар ва шахсий фазилатлар муаммоси, шунингдек, касбга йўналтириш муаммоси бўйича психологик-педагогик тадқиқотларни бажариш;
- ўқитувчиларнинг моддий ва ижтимоий жиҳатдан юқори даражада ҳимояланганлиги туфайли таъминланади.

Барча даражадаги рақобатбардош кадрлар тайёрлаш стратегияси негизида уларни тайёрлаш сифатини уч асосий босқичда таъминлашга мажмуавий ёндашув ётади.

Биринчи босқичда мутахассисларга бўлган эҳтиёж прогноз қилинади ва улар олдига қўйиладиган талаб белгиланади, яъни, мутахассис модели яратилади. Бунда сифатнинг ўсиб боровчи даражаси белгиланади.

Иккинчи босқичда мутахассисларни тайёрлаш амалга оширилади, у белгиланган сифат даражасини таъминлаши зарур.

Ниҳоят, мутахассислардан профессионал фаолиятда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган учинчи босқичда таъминланган сифат даражаси ҳам ўз устида узлуксиз ишлаш йўли билан, ҳам махсус таълим муассасаларида малака ошириш йўли билан оширилиши керак.

Ушбу стратегиянинг ҳуқуқий асоси Давлат таълим стандартлари ва талаблари, меъёрий ҳужжатлар, низомлар ҳамда таълим муассасасининг

мақомини, моддий-техника базасини, молиялаштирилишини, ўқитувчилар таркибини, ўқув-илмий-ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятини белгиловчи бошқа ҳужжатлардир.

Рақобатбардош кадрларни тайёрлаш учун касб-ҳунар таълимида стандартлаштириш ўсиб бориши лозим. Унинг моҳияти амалда эришилган меъёрларга нисбатан юқори ва сифат жиҳатдан янги талабларни белгилашдан иборат. Ўсиб боровчи таълим стандартларида мутахассислар битириш вақтига келиб ўша пайтдаги фан, техника, технологиялар ва иқтисодиёт ютуқлари даражасига мувофиқ келишлари лозим бўлган талаблар даражаси бўлиши лозим.

Таълимдаги стандартлаштириш мажмуи ҳам бўлиши лозим.

Биринчидан, у касб-ҳунар таълими узлуксизлигини ва узвийлигини таъминлаган ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг оддий ишчидан тортиб юқори малакали мутахассисгача ўзаро боғлиқ даражасини қамраб олиши лозим.

Иккинчидан, таълим стандартлари мажмуи мутахассисни шакллантиришнинг барча босқичларини ўз ичига олиб, улар ўртасида мустаҳкам ўзаро алоқани таъминлаши даркор.

Ниҳоят, учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг таълим стандартлари, сифатли мутахассис тайёрлаш ва уни баҳолашга ягона ёндашувни таъминлаш учун халқаро талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ҳамда такомиллаштирилиши зарур. Бу рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва улардан фойдаланишда халқаро тажрибани ишга солиш ҳамда интеллектуал соҳада мустаҳкам ҳамкорликни ташкил қилиш имконини беради.

Юқорида келтирилган стратегия ва ривожланган мамлакатлар тажрибасига мувофиқ кадрларни тайёрлаш ва уларнинг рақобатбардошлиги сифатини оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Шахсга касбни ўз ихтиёри билан танлашда ва меҳнат бозоридаги эҳтиёжлар, имкониятлар ҳамда ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда бандликнинг мақбул турини танлашда кўмаклашишни таъминловчи, шунингдек, ёшларнинг табиий қобилиятини қўллаб-қувватловчи ва тараққий эттирувчи касбга йўналтириш тизимини ривожлантириш. Ҳозирги вақтда бу иш билан психологик-педагогик ташхис ва ўқувчиларни касбга йўналтириш марказлари шуғулланишмоқда.

2. Тармоқ ва минтақа иқтисодиёти учун интеграциялашган таълим муассасалари доирасида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш.

3. Халқаро стандартлар негизида, фан, техника, технологиялар ва иқтисодиётнинг замонавий ютуқларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган ўсиб боровчи ва мажмуавий таълим стандартларини қўллаш.



4. Барча даражадаги мутахассисларнинг малака тавсифини меҳнат бозорининг ўсиб борувчи талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш.

5. Таълим жараёнида энг янги педагогик, ахборот, компьютер технологиялари ва бошқалар қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, бир типдаги ўқув режалари ҳамда дастурларини такомиллаштириш.

6. Таълим жараёнида ўқитишнинг аудиовизуал услубларини, ахборот технологияларини кенг қўллаш.

7. Барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш сифатини ўлчаш ҳамда баҳолаш бўйича илмий асосланган тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

8. Касб-ҳунар таълими муассасаларини замонавий ўқув, илмий ва услубий адабиётлар, шунингдек, моддий-техника базаси билан таъминлаш.

9. Касб-ҳунар таълимининг барча даражаларида ишлаб чиқариш таълими (амалий таълим)ни сарфлаш материаллари билан таъминлаш.

10. Касб-ҳунар таълими тизими тузилиши (янги типдаги таълим муассасалари) ва сифатини ислоҳ қилишни ҳисобга олган ҳолда ўқитувчиларни қайта тайёрлаш.

11. Таълим муассасалари фаолиятини назорат қилишнинг меъёрий асоси ва талабларини такомиллаштириш.

12. Таълим муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш меъёрларини саноати ва интеллектуал жиҳатдан ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш.

13. Республиканинг рақобатбардош кадрлари салоҳиятини турли даражадаги ишловчи ва қўли бўш мутахассислар ҳисобига тиклаш.

14. Барча даражадаги кадрларни мақсадли тайёрлашни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш.

15. Касб-ҳунар таълими сифатини назорат қилишнинг ягона тизимини шакллантириш.

Қуйидагиларни таълим сифатини бошқаришнинг умумий функциялари сифатида кўриб чиқамиз:

1. ТМни ривожлантириш стратегиясини Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» ги қонунларида расман таърифланган таълим сифатининг асосий йўналишлари ҳамда мақсадларига ва тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгилаш.

2. Таълим сифатини лойиҳалаш. У сифатни бошқариш жараёнига асос бўлади. Бу функция истеъмолчиларнинг малакали кадрларга бўлган талабини мунтазам ўрганиш, мутахассислар, стандартлар моделини таҳлил қилиш негизида амалга оширилади. Бунинг учун таълим сифатини тавсифловчи муайян кўрсаткичларнинг шакллантирилган тизими бўлиши зарур. Барча иш

сифатни ўлчаш ва баҳолашнинг миқдорий услубларига асосланган бўлиши лозим.

3. Таълим сифатини мониторинг қилиш, яъни таълим тизимининг амал қилиш жараёнини мунтазам кузатиш, унинг аҳволини кузатиб бориш. Бундай кузатиш натижалари таълим сифатини объектив баҳолаш ҳамда педагоглар жамоаси фаолиятининг кейинги йўналишини прогноз қилиш имконини беради.

4. Таълим сифати тизимини (сифат кафолатини) таъминлаш. Бунга бошқарув ходими томонидан ташкилий тузилмани яратиш, мажбуриятлар ва масъулиятни тақсимлаш, ўқитишнинг тегишли методикаларини, технологияларини танлаш, моддий ва молиявий захиралардан самарали фойдаланиш, педагогик жараённи амалга ошириш сингари тадбирлар киради.

Шунингдек, ушбу кўрсаткичларнинг элементлар бўйича таркиби ҳам муҳим. Айни маҳалда таълим муассасаси бошқарув ходимлари бошқарув фаолиятига хос бўлган кўрсаткичларни ҳам ҳисобга олишлари керак. Улардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатамиз:

«Таснифлаш» блокада — бошқарув кадрларининг:

— педагогика, психология, физиология ва гигиенани (умумий, касбий, ёшга оид, ижтимоий ва бошқалар);

— таълим жараёнини ташкил этишни;

— ходимлар ва таълим олувчиларнинг психологик-педагогик хусусиятларини;

— умумтаълим, умумкасбий ва махсус тайёргарликка, касбга, ихтисосга, бўлғуси мутахассис малакасига оид ижтимоий меъёрлар ва талабларни;

— ишлаб чиқариш таълими ва ишлаб чиқариш амалиёти талаблари мазмунини;

— таълим муассасаларида ва умуман таълим тизимида бошқарувнинг назарий асосларини билиши.

«Касб маҳорати» блокада — қуйидаги соҳаларда ижтимоий-психологик маҳорат ва кўникмаларни:

— педагоглар, тарбиячилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, умумкасбий, махсус ва умумтаълим фанлари ўқитувчиларининг Ягона жамоасини уларга ягона педагогик талаблар қўйиш, индивидуал имкониятларини ҳисобга олиш ва ўрганиш, жамоа олдида турган вазифаларни ҳал қилишда ҳар бирининг ролини кўрсатиш асосида шакллантириш;

— таълим муассасасининг жамоатчилик органларини тузиш ҳамда бошқаришга уларни жалб қилиш;

— муҳандис-педагог ходимлар ва таълим олувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини, ўзаро муносабатларини тартибга солиш, танқид ва ўзини ўзи



танқид, тартиб, интизом ва уюшқоқликка қатъий риоя этиш муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳаракатини мослаштириш асосида ташкил қилиш;

- таълим сифатини бошқариш мақсадлари ва вазифаларини таърифлаш;
- таълим сифатини ошириш дастурлари ва жараёнини режалаштириш;
- кўрсаткичлар номенклатурасини, таълим сифатини ўлчаш ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш соҳаларидаги ижтимоий-психологик маҳорат ва кўникмалар.

«Фаолият унумдорлиги» блокада — таълим олувчилар томонидан давлат таълим стандартлари, конкрет касбни ўзлаштириш кўрсаткичлари муҳим ҳисобланади.

Раҳбар малакасининг юқори даражаси— фаолият дастурини сифатли лойиҳалаштиришнинг зарур шарти.

Кейинги йиллардаги илмий адабиётларда «истикболни қатъий қилиб, юқори даражада эҳтимоллик билан режалаштириб бўлмади» деган фикр кўп учрамоқда (Л. Фаткин). Шу боис таълим муассасаси бошқарув ходими лойиҳалаштиришда тахмин қилинаётган жараёнлар ва ҳодисаларнинг моҳиятини, уларнинг қонуниятларини чуқурроқ ўрганиши ва идрок этиши, уларнинг кўрсаткичлар номенклатурасини асослаши ва ишлаб чиқиши керак бўлади. Бу объект кўрсаткичларининг мунтазам такомиллаштирилиши маҳсулот ва хизматлар сифатини лойиҳалаштириш ва таъминлашнинг зарур шартларидан бири сифатида кўриб чиқилиши билан боғлиқ. Бунда барча ишлар объект сифатини ўлчаш ва баҳолашнинг миқдорий методларига таянади. Шу тариқа аниқланган таълим муассасаси фаолияти ҳолатининг объектив кўрсаткичлари бошқаришнинг тегишли тартибини танлашда асос қилиб олинади.

Жамиятдаги ижтимоий вазият ўзгариб бораётганида, демократлаштирилаётгани ва инсонпарварлаштирилаётганида, мамлакат иқтисодиёти бозор муносабатлари йўлидан ривожланишга ўтаётганидир. Юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж сезаётган ишлаб чиқаришнинг талаблари ошиб бораётгани ҳам янгиликларни ўзлаштиришни тақозо қилмоқда. Бугунги кунда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мамлакатимиз таълим тизимини дунё таълим тизими билан мувофиқ ҳолга келтириш йўлларида бири сифатида кўриб чиқилмоқда.

Рақобатбардош малакали кадрларнинг энг муҳим сифатлари орасида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- ўқувдаги ўзлаштиришнинг юқори даражаси ва ўзини ўзи ривожлантиришга қодирлиги;
- меҳнат ва таълим хизматлари бозорида тегишли таълим муассасасида олинган малакани тасдиқлаш;

— ишлаб чиқаришда юқори даражадаги ижтимоий фаоллик ва меҳнат унумдорлиги;

— ишлаб чиқаришда интизомлилик, масъулият, ихтирочилик, ижодкорлик;

— ўқув фанлари бўйича олимпиадалар ҳамда танланган касб маҳорати танловларида қатнашиш ва ғолиб чиқиш;

— таълимни давом эттиришга эҳтиёж.

Таълим муассасасининг айнан шундай хислатларга эга бўлган битирувчиси кўйилган талабларга мувофиқ маҳсулот тайёрлаши ёки хизмат кўрсатиши мумкин.

Таълим муассасалари, ҳар томонлама етук шахсни шакллантириш учун, ривожланиш йўлидан бориши керак. Аксарият амалиётчи ходимлар буни англаб етган ҳолда, эскича ёндашувларни такомиллаштиришни эмас, балки таълим тизимини инновацион стратегия руҳида ривожлантиришни тан олмақдалар. Ёш авлод таълим-тарбиясидаги инновацион ҳаракат жамиятдаги реал ўзгаришларни ва шахс эҳтиёжини ҳисобга олишга йўналтирилган.

Инновацион таълим стратегияси таълим сифатини бошқаришда алоҳида бошқарувчилик ёндашувини тақозо этади. Қуйидагилар бундай бошқарувнинг асосий объектлари ҳисобланади:

— педагог мутахассис, фуқаро шахсини шакллантириш ва ривожлантиришда профессионал ташкилотчи ҳамда ёрдамчи сифатида;

— таълимнинг мазмуний негизи;

— педагогик жараёни ташкил этиш технологияси ва бошқалар.

Илмий-педагогик адабиётларда ҳамда таълим ва тарбия амалиётида «инновация» сўзи қандай тушунилади?

Мамлакатимизда ва хорижда ўтказилган бир қатор тадқиқотлар ушбу ҳодисани ўрганишга бағишланган. Масалан, айрим муаллифлар «янгиликлар яратиш, уларнинг педагоглар томонидан ўзлаштирилиши ва таълим амалиётида фойдаланилиши жараёнлари» ни (Н. Юсуфбеков) инновацион жараёнлар деб ҳисоблашни таклиф қилмоқдалар. Улар инновацияни, жамият маданий ўзгаришларининг негизи сифатида кўриб чиқмоқдалар-ки, бу бизнингча, жуда қимматлидир.

Бошқалар эса «педагогик тизимнинг тартибга солинмайдиган эркин майдонида ривожланиш истиқболига оид эҳтиёжга таъсирчанлиги асосида вужудга келган янгиликлар унинг микроеволюциялар фондини ташкил этади», деб ҳисобламоқдалар (В. Н. Виноградов).

Учинчи тоифа муаллифлар янгиликни анча мураккаб хусусият, деб ҳисоблайдилар. Уни ўрганиш учун абстракт хусусиятларга назариясини жалб этиш тавсия қилинади-ки, бу назария кўплаб тавсифли хусусиятларни улар

шкаласининг координата ўлчовлари сифатида кўриб чиқади (М. С. Бургин).

Айрим олимлар янги мақсадларни, методларни, методикани, дастурларни, воситаларни, мазмунни, фаолиятни ташкил этиш шакллари, бошқарув турларини ва бошқаларни янгилик сифатида талқин қилмоқдалар.

«Янгилик — янги ҳодиса, янги одат, янги метод, ихтиро», — деган таъриф ҳам мавжуд (Ю. Красовский).

«Мақтабни ривожлантириш — инновацион жараён» номли китоб муаллифлари таъкидлаб ўтганларидек: «Педагогик инноватика — таълим муассасасини ривожлантиришнинг янги таълим амалиётини яратиш билан боғлиқ жараёнларини ўрганадиган фан соҳаси. Бу жараёнлар инновацион жараёнлар деб номланади» (С. Г. Хомерики, М. М. Поташник, А. В. Лоренсов). Бундай аниқлик таълим тизими ходимларига муайян фойда келтириши мумкин.

Шундай қилиб, таълимда инновациялар янги жараёнлар, концепсиялар, таълим технологияларини яратиш ва ўзлаштиришни кўзда тутади ва ҳ. к.

Аммо, амалиёт кўрсатишича, инновацион фаолият таълим тизимининг ҳамма ходимлари томонидан ҳам тўғри тушунилавермайди ва самарали амалга оширилавермайди. П. Шедровский таъкидлаб ўтганидек, «инновацияликни бугунги кунда мавжуд бўлган биронта ҳам функциясини инновациянинг такрорлаш, чиқиш деб номлаш мумкин бўлган нарсани таъминлай олмайди. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги айрим инновация эмас, балки умуман инновацион ҳаракат кўриб чиқиш ва таҳлил қилишнинг бошланғич параметри бўлиши керак». У «педагогик ёки таълим инновацияларини» эмас, балки «инновацион стратегияни», «фаолиятни инновацион ташкил этиш»ни аниқроқ деб ҳисоблашни кўзда тутади. Биз инновацияни бундай талқин қилиш тадқиқотчиларга бу жараённи кенгроқ ва чуқурроқ кўриб чиқиш имкониятини яратади, деб ҳисоблаймиз.

Инновацияларнинг ўзига хос хусусияти нималардан иборат?

«Янгилик киритишнинг моҳиятини инновацион фаолият, яъни янги натижаларга, уларни олиш воситалари ва усулларига эришиш, анъанавий фаолиятнинг эскирган таркибий қисмларини бартараф этиш бўйича фаолият ташкил этади», — деб таъкидлайди Д. М. Гвишиани. Олим инновацион фаолиятнинг радикал ва такомиллаштирилувчи турлари ўртасидаги зиддиятли хусусиятига эътиборни қаратади. Такومиллаштириш мавжуд ташкилий тузилмаларга зид эмаслиги ва уларга мақбул мослашиши амалиётдан маълум. Туб янгиликлар эса уларни парчалайди, шунинг учун кескин қаршиликка учрайди. Таълим сифатини бошқариш жараёни ташкилотчилари инновацияларнинг бундай муҳим хусусиятини доимо эътиборда тутишлари керак.



Янгилик киритиш жараёнининг муҳим хусусиятини таъкидлаб ўтамиз — инновация ушбу таълим муассасаси долзарб вазифаларни самарали ҳал қилишга кўмаклашиши керак. Афсуски, аксарият таълим ходимлари амалда бунга етарли эътибор бермайдилар, натижада янгиликларнинг ўзлаштирилиши расмийчиликка айланади.

М. М. Поташник инновацияларнинг бошқа муҳим хусусияти — янгиликлар таълим муассасасини ривожлантириш вазифасини ҳал қилиш имконини бериши деб ҳисоблайди. Бошқача айтганда, инновациялар «мода» учун ва «қизгин» тадқиқотчилик фаолияти олиб борилаётганини кўрсатиш учун эмас, балки ўқувчилар фойдасини кўзлаб киритилади.

Бошқарув ходимлари ва педагоглар муайян шарт-шароитлар мавжуд бўлгандагина янгиликларни самарали ўзлаштириш мумкинлигини англаб етишлари жуда муҳим. Бунга биринчи навбатда қуйидагилар киради:

— таълим жараёни қатнашчиларининг фаол ишчанлиги босқичма-босқич шакллантирилишига риоя этиш;

— таълим жараёнининг барча қатнашчилари томонидан ўзлаштириш мақсадларининг чуқур англаб етилиши ва қабул қилиниши ҳамда келгуси фаолият вазифалари аниқ тушуниб олинishi;

— бунда ушбу вазифаларнинг шахсий мақсадларга зид бўлган қисмининг ҳар доим юзага келадиган қаршилик кўрсатиш омилини ҳисобга олиш;

— фикр алмашиш аниқ ва холис ахборот айирбошлаш;

— амалий қарорларни жамоа бўлиб ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

Педагогик кадрларни жиддий қайта тайёрламасдан, таълим муассасасини тегишли моддий-техника базаси, молиявий, ўқув-дастурий таъминламасдан туриб инновацион фаолиятни самарали ташкил этиб бўлмайди.

Янгиликларни ўзлаштириш жараёни раҳбарият томонидан мажбурлаш чораси билан эмас, балки ходимларга ҳаракат қилишда мустақил ва эркин иш олиб бориш имкониятини бериш билан кечади. Педагоглар жамоасининг ишига аниқлик олиб кириш имконини берадиган кўрсаткичлар ва мезонларнинг объектив рўйхатини олдиндан ишлаб чиқиш, уларга бебаҳо ёрдам бериши мумкин.

Педагогик тадқиқотларда инновациялар янгилигини аниқлашга катта эътибор берилади. Киритилаётган янгиликлар аломатларининг вариантларидан бирини келтирамиз (П. Шедровский):

— бошқача кўринишда маълум бўлган тузилиш (биринчи даража);

— маълум нарсани унча муҳим бўлмаган ўзгаришлар билан такрорлаш (иккинчи даража);

— маълум нарсани аниқлаш, конкретлаштириш (учинчи даража);

— маълум нарсани муҳим элементлар билан тўлдириш (тўртинчи

даража);

— сифат жиҳатидан янги объектни ташкил этиш (бешинчи даража).

Таълим муассасасида уни тизимли ташкил этиш янгиликларни ўзлаштиришнинг яна бир ўзига хос хусусиятидир. Бунда қуйидагилар муҳим таркибий қисмлар ҳисобланади:

— таълим муассасасининг вазифаси, унинг янги мақсадлари ва вазифалари;

— бошқарув ходимлари ва педагоглар шахси, уларнинг ўзларига ва таълим олувчиларга нисбатан нуқтаи назари;

— ўқувчи шахси;

— ўқувчилар ўзлаштираётган билимлар функцияси, тузилмаси;

— таълим технологияси ва воситалари;

— ташкилий тузилма, педагогик меҳнат маданияти ва бошқалар.

Янгиликларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш жараёнини ҳар қандай таълим муассасасини ривожлантириш йўли сифатида кўриб чиққан ҳолда киритилаётган янгиликлардан кутилаётган натижаларни баҳолашнинг қуйидаги асосий мезонларини ажратиб кўрсатамиз:

1. Натижалар таълим муассасасининг аввалги ёки ушбу йўналишдаги таълим муассасалари учун хос бўлган натижалардан юқори, шунингдек мақбул бўлиши керак.

2. Режалаштирилган натижаларни олишга сарфланадиган вақт намунавий ёхуд меъерий сарфланадиганига нисбатан камроқ ёки уларга тенг бўлиши керак.

Янгилик даражасини аниқлаш учун барчага маълум алгоритмлардан фойдаланилади. Масалан, қуйидагича ёндашув мавжуд:

1. Баҳоланаётган объектнинг муҳим кўрсаткичлари, аломатлари, мезонлари ажратиб олинади.

2. Қиёслаш учун унга ўхшашлари, унинг прототиплари танлаб олинади.

3. Баҳоланаётган объект танлаб олинган ўхшаш объектлар билан қиёсланади ва мезонларга мувофиқ янгилик ўлчови ҳам миқдорий, ҳам сифат жиҳатидан белгиланади.

Юқорида баён қилинганлар асосида таълимни бошқариш сифатини янгилик ҳамда бошқарув фаолиятининг янги йўналиши сифатида кўриб чиқамиз.

Янгиликларнинг келтирилган таснифига мувофиқ таълим сифатини бошқаришни биз тўртинчи даражага, яъни таълим тизимидаги бошқарув фаолиятининг мавжуд назарияси ва амалиётини муҳим элементлар билан тўлдиришга киритамиз.

Келтирилган ушбу таъриф мазмунан тегишлича тўлдирилиши ва

тузилмаларга ажратилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Биз ишлаб чиққан тузилмадаги ушбу қўшимчаларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат.

Биринчи. Таълим сифатини бошқариш мақсади нафақат жамоа фаолияти натижаларини барқарор ҳолатда сақлашдан, балки таълим муассасасини фаолият (ривожланиш)нинг бундан ҳам юқорироқ даражасига ўтказиш орқали талаб қилинаётган таълим сифатини таъминлашдан иборат.

Иккинчи. Натижалар сифати битирувчиларнинг ижтимоий ва таълим-касб-ҳунар бобидаги ҳаракатчанлиги даражаси билан ифодаланади, яъни бунда гап таълим муассасаси раҳбарларининг мавжуд малака тавсифларини мутахассиснинг касбий сифатларига қўйиладиган талаблар билан тўлдирилишига йўналтириш ҳақида бормоқда.

Бошқа лойиҳада ҳам шундай ғоя мавжуд. Инновациянинг энг муҳим формулаларидан бири қуйидаги қоидадан иборат: «Таълим сифати — шунчаки билимлар ҳажми ва кўникмалар таркиби эмас, балки замонавий мутахассиснинг асосий моделини ташкил этувчи фаолиятнинг муайян турларига шайлик демакдир».

Таълим сифати ўқувчиларни билимга бойитиш ва уларнинг онгида статистик тузилмасини шакллантириш билан эмас, балки ижтимоий ва касбий фаолиятда улар ҳаётини органик динамика билан таъминлаш орқали тавсифланади. Билимлардан конкрет муаммоларни ҳал қилишда фойдаланиш, билимларни доимий равишда тўлдириб бориш бўйича ривожланган қобилият ва интеллектуал ривожланишнинг амалдаги рағбатлари зарур (И. Г. Леонов).

Учинчи. Таълим сифатини бошқаришда таълим муассасаси раҳбарларининг асосий эътибори педагоглар ва ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш функцияларини кучайтиришга эмас, балки камчиликлар пайдо бўлишининг олдини олиш ҳамда уларнинг вужудга келиш манбалари ва сабабларини таҳлил қилишга қаратилади. Буларнинг ҳаммаси бошқарув кадрларидан илмий-педагогик тадқиқотларнинг метод ва усулларини эгаллаш, назарий қоидаларни амалиётда қўллаш маҳоратини талаб қилади. Бошқача айтганда, улар бошқарувда хилма-хил — интуитив, эмпирик, тажриба, формал ва илмий мантиқий ёндашувлардан фойдаланишлари даркор (М. М. Поташник).

Тўртинчи. Таълим сифатини бошқариш ушбу жараёнга таълим жараёнининг барча қатнашчиларини киритишни кўзда тутати. Фақат шартли шуки, ташкилий тузилма педагогик жараён қатнашчилари ўртасидаги қатъий «вертикал» алоқалардан «вертикал» билан «горизонтал» алоқаларни бири-бирига уйғун ҳолда қовуштиришга ўтсагина шундай бўлади.

Бешинчи. Таълим сифатини бошқариш тизимли методлардан фойдаланишни кўзда тутати, бунда бошқарув объекти бошқача хусусиятга эга

бўлади: ... таълимни инновацион ташкил этишда фаолиятнинг икки (таълим берувчи билан ўқув-билиш) тури эмас, балки яхлит ҳолдаги ўқув-касбий вазият бошқарув бирлиги ҳисобланади (И. Богачек).

Бир гуруҳ олимлар (О. Г. Хомеики, М. М. Поташник, А. В. Лоренсев) таклиф қилган методдан фойдаланган ҳолда таълим сифатини бошқариш жараёнининг таснифини кўриб чиқамиз.

1. Инновациялар кўламлилигига қараб белгиланади. Бунда таълим сифатини коллеж ички ёки мактаб ички доирасида бошқариш бутун таълим муассасасини қамраб оладиган тизимли янгилик ҳисобланади.

2. Янгиликларни ўзлаштириш жараёни салоҳият даражасига қараб белгиланади. Таълим муассасаси доирасидаги ички бошқарув инновациянинг комбинаторли типидан иборат, яъни илгари маълум бўлмаган элементларнинг ташкилий тузилманинг янги модели асосида янгича конструктив қўшилиши ҳамда илгари бундай қўшиб фойдаланилмаган принципларнинг амалга оширилиши содир бўлади.

3. Янгиликнинг ўз ўтмишдошига муносабати уларнинг қуйидаги тоифасини тавсифлайди. Таълим муассасаси даражасида сифатни бошқаришга нисбатан олганда айтиш мумкинки, у бошқарув фаолиятининг шу пайтгача амал қилиб келган моҳиятини ўзгартиради ва тўлдиради. Бу жараён икки босқичдан иборат:

— биринчиси — битирувчиларни тайёрлаш даражасига қўйиладиган номинал, норматив талабларнинг бажарилишига қатъий ва тўлиқ йўналтириш мавжуд бўлган шароитда таълим муассасасининг фаолияти сифатини бошқариш. Бошқарув назариясида бундай ёндашув консерватив ёндашув ҳисобланади (Н. А. Селезнева);

— иккинчи босқич — ривожланиш сифатини бошқариш. Бунда ўзгартирувчи-ижодий, тадқиқот хусусиятига эга фаолиятни амалга ошириш, янгиликларни ўзлаштириш, ўз илғор педагогик технологияларини яратиш кўзда тутилади.

Таълим муассасаси барча ходимларининг биргаликда ҳаракат иши бирига мувофиқ бўлишига эришиш ва ташкилий маданият бундай бошқарув самарадорлигининг зарур шarti бўлиб қолиши керак.

Инновацион жараён бўлган таълим сифатини бошқариш қуйидаги белгиларга эга:

Биринчи белги. Фаолиятнинг янги усули мавжудлиги.

Таълим сифатини бошқариш, энг аввало, бошқарув кадрлари томонидан таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини кузатиш каби фаолият туридан фойдаланишни кўзда тутлади. Бунинг учун улар тегишли методларни, жумладан, квалиметрия асосларини, яъни сифатни миқдорий баҳолаш

методини қўллаш орқали таълим сифатининг бошланғич ва берилган ҳолатини аниқ белгилашлари лозим бўлади. Илмий адабиётларда маҳсулот, хизматлар сифатини баҳолаш, бошқарув фаолиятининг баҳолаш объекти тўғрисида қадрият борасидаги мулоҳазаларни шакллантиришга қаратилган функциясининг алоҳида типига киритилади.

Таълим сифатини ўлчаш сифат ўлчовини белгилаш ва унинг қийматини махсус алгоритмлар ёрдамида олишни кўзда тутати.

Бундай жараённинг самарадорлиги баҳолашнинг статистик методларини қўллаш орқали таъминланади. Бу баҳоланаётган объектнинг сифат кўрсаткичлари қиймати аксарият ҳолларда тасодифий катталиклар деб ҳисобланиши билан боғлиқдир. Бундай ҳолат ана шу сифатга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи кўплаб омиллар ва шарт-шароитлар билан изоҳланади. Шу боис бошқарув таркиби таълим сифати ҳақидаги ахборотни олиш ва ишлашнинг статистик методларини қўллаш билиши керак.

Иккинчи белги. Ривожланган ташкилий маданиятнинг мавжудлиги.

Олдинги параграфда таъкидлаб ўтилганидек, жамоада меъёрлар тизимларини, қадриятларни, урф-одатлар ва анъаналарни юқори даражада шакллантирмасдан туриб, таълим сифатини бошқариб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси таълим жараёнининг барча қатнашчилари ўртасида уйғун ўзаро муносабатни вужудга келтириш имконини беради.

#### **4-Мавзу. Бўлажак тарбиячиларда креатив малакаларни шакллантириш технологияси.**

##### **Режа:**

**1.** Мактабгача таълим ташкилотларида муаммолий ўқитиш технологиялари.

**2.** Мактабгача таълим ташкилотларида ривожлантирувчи марказлар фаолиятига инновацион ёндашув.

**Таянч тушунчалар:** усул, технология, бошқарув, педагог, муаммо, муҳокама, кузатув, назорат, муносабат, самарадорлик, назария, замонавий, вазият.

**1. Мактабгача таълим ташкилотларида муаммолий ўқитиш технологиялари.**


Муаммоли методнинг моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва ечишдан иборат бўлиб унинг асосида дидактик зиддиятлар ётади. Муаммоли таълим концепциясининг асосий тушунчалари «муаммоли вазият» «муаммо», «муаммони топиш» кабилар ҳисобланади. Чизмадан англандики муаммоли вазият бу методнинг дастлабки кўриниши

ҳисобланиб ўзида субъектнинг аниқ ёки қисман тушуниб етилган муаммони ифодалайди уни бартараф этиш янги билимлар усуллар ва ҳаракат кўникмаларини ўзлаштиришни тақозо этади. Агар ўқувчида қийинчиликларни йўқотиш йўллариини излаб топиш учун бошланғич маълумотлар бўлмаса шубҳасиз муаммоли вазият ечимини у қабул қилмайди яъни муаммонинг ечими унинг онгида акс этмайди. Фикрлаш муамо моҳиятини тушуниб этилиши ифодаланиши мавжуд билим ва кўникмалар мажмуаси ва изланиш тажрибаси асосида муаммоли вазиятни қабул қилиш биланоқ бошланади. Бу ҳолда муаммоли вазият муаммога айланади. Ҳар бир муаммо муаммоли вазиятни ўзида намоён этади бироқ барча муаммоли вазият муаммога айланавермайди.

Зиддиятларни бартараф этиш нафақат илмий билиш йўли шу билан бирга ўқув йўли ҳамдир. Бу методни қуйидаги чизма ёрдамида ифодалаш мумкин:

Жаҳон амалиётида ўхшаши бўлмаган мазкур концептуал модел тарихий ҳамда мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги тажрибаси, шунингдек, ривожланган демократик мамлакатларнинг таълим соҳасидаги ютуқ ва тажрибаларини эътиборга олган ҳолда лойиҳалаштирилган.

### Муаммоли ўқитиш методининг тузилмаси



Мазкур методдан фойдаланиш жараёнида муаммо ечимини топишга ёрдам берувчи йўналишлар кўрсатилмайди ва чегараланмайди. Бу хусусият муаммоли масалага хосдир. Муаммода ечимнинг қандайдир параметрлари кўрсатилса у муаммоли масала ҳисобланади. Ҳар қандай муаммоли топшириқ маълум муаммони демак муаммоли вазиятни ҳам қамраб олади. Бироқ юқорида таъкидланганидек барча муаммоли вазият муаммо бўла олмайди. Инсон ҳар доим муаммоли масалаларни ҳал этади. Агар унинг олдида муаммо пайдо бўлса уни муаммоли масалага айлантиради, яъни унинг ечими учун ўзидаги билимлар тизимига таянади ва маълум кўрсатишларни белгилаб олади. Муваффақиятсизликка учраган тақдирда, у бошқа кўрсаткичларни

қидиради ва шу муаммо бўйича янги вариантлардаги масалаларни лойиҳалайди.

Таълим жараёнида муаммоли методни қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўқув материалга оид тафовутларни таклиф этилиши;</li> <li>- муаммоли вазиятларни тузиш;</li> <li>- муаммонинг мавжудлигини аниқлаб бериш;</li> <li>- муаммоли топшириқларни лойиҳалаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўқув материали моҳиятининг англаб етилиши;</li> <li>- муаммоли вазият юзасидан фикрлаш;</li> <li>- мавжуд билимлар ва тажрибани қайта тиклаш;</li> <li>- муаммоли масалага ўтказиш;</li> <li>- топшириқни бажариш</li> </ul>

КТМД ва КТММнинг бош мақсади ва вазифалари — Баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш, кадрлар тайёрлашнинг юқори сифати ва уларнинг рақобатбардош бўлишини таъминлашга қаратилган чоратадбирларни амалиётга татбиқ этиш, ушбу жараён механизмини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш иккинчи босқичнинг ўзига хос жиҳатларидандир. Мазкур вазифанинг ечимини таъминлаш, унинг муҳлатлари, ижрочилари, молиявий ва ресурслар таъминотини тўла ақс эттиришни тақозо этади.

Таълим жараёнининг барча қатнашчилари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни қарор топтириш ва ҳақиқий ҳамкорлик тамойилларига амал қилинишига эришиши зарур бўлиб, бу таълим сифатини юксалтириш ва кадрлар тайёрлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, жамият тараққиётида малакали кадрларнинг тутган ўрни ва ролини чуқур англаб етиш имконини беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва модели таълимнинг зарур сифатига эришишда мазкур муаммони тизимли — бошқарувнинг давлат ва жамиятдан тортиб, педагог ҳамда ўқувчигача бўлган барча субъектларининг ўзаро алоқада ва, айти пайтда, бирдай масъул бўлган ҳолда ҳал этиш талаб этилади.

Узлуксиз таълим тизими(УТТ)ни ва таълим сифатини бошқариш соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида КТМДнинг ечими самарали амалга оширилиши билан белгиланадиган қатор муаммолар аниқланганлигини қайд қилиб ўтиш жоиздир. Бундан ташқари, КТМДни амалга ошириш йилларида тўпланган тажриба ва мавжуд муаммолар таҳлили асосида таълим сифатини бошқариш масалалари билан боғлиқ тарқоқ илмий тадқиқотлар ва амалий натижаларни синтез қилиш, УТТ ривожланишининг ижобий натижаларини аниқлаш ҳамда ушбу жараёнга нисбатан янги

ёндашиб, бойитиш вақти келди. Мавжуд муаммоларни пухта асосланган назарий қоида, ташкилий-амалий тадбир ҳамда самарали механизмлар ёрдамидагина ҳал қилиш мумкин.

Бирок, ушбу ўринда мавҳум концептуал қоидалар, таълим сифатини бошқаришнинг назарий моделини яратишни мазкур фаолиятнинг бош мақсади, деб ҳисобламаслик даркор. Илмий тадқиқот ва амалий фаолиятнинг асосий мақсади - ижтимоий-педагогик жараёнларда йиқилиб қолган турли муаммоларни ҳал қилишдан, уни бошқаришда вужудга келган назарий ва амалий янгиликларни, синов натижаларини эътиборга олган ҳолда, ҳаётга татбиқ этишдан, таълим сифатини бошқариш самарадорлигини юксалтиришга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Муаммоли таълимнинг асосини **муаммо** (юн. “тўсиқ”, “қийинчилик”) ёки **муаммоли вазият** ташкил этиб, муаммоли ТТ уларнинг ечимини топишга хизмат қилади. Кўп ҳолатларда муаммо ва муаммоли вазият синонимлардек қабул қилинади. Аслида эса улар бир-биридан фарқ қилади.

**Муаммо** (юнон. “тўсиқ”, “қийинчилик”, араб. “жумбоқли”, “сирли”, “тушунилиши қийин”) – ҳал қилиниши муҳим

Моҳиятига кўра муаммо уни келтириб чиқарган сабабларни ўрганиш, уни ҳал этишда аҳамиятли, самарали бўлган йўл, метод ва воситаларни излаш, уларнинг самарали эканлигини асословчи далилларни тўплаш, далилларни янгича, янги таҳлитда изоҳлаш асосида ҳал қилинади.

Педагогика соҳасида кўп ҳолатларда “муаммо” тушунчаси ташкилий-педагогик, психологик, таълимий ва тарбиявий масалаларни ҳал қилишда қўлланилади. Соҳа нуқтаи назардан педагогик жараёнда қўйидаги характердаги муаммоларга мурожаат қилинади:

- дидактик характердаги муаммо;
- амалий характердаги муаммо;
- илмий-методик характердаги муаммо;
- соф илмий характердаги муаммо

Маълум билимлар, номаълум билимлар ва мавжуд тажриба муаммонинг таркибий қисмлари сифатида намоён бўлади.


**Педагогик муаммо** – ҳал қилиниши зарур, бирок, ҳали ечиш усули номаълум бўлган педагогик характердаги масала

Таълим жараёнида муаммони қўйиш бир неча сатҳда кечади.  
Муаммони қўйиш даражалари



Даражалар	Муаммони қўйиш моҳияти
1-даража	Ўқитувчи муаммони қўяди ва талабаларни уни ҳал қилишга йўналтиради
2-даража	Ўқитувчи муаммоли вазиятни баён қилади ва талабаларнинг ўзлари мустақил равишда муаммони шакллантиради
3-даража	Ўқитувчи муаммони қўрсатиб бермайди, балки унга талабаларни рўпара қилади. Талабалар муаммони англаган ҳолда уни ўзлари шакллантириб, муаммони ечиш усулларини таҳлил қилади

Таълим жараёнида масалани қўйишда мавжуд шарт-шароитларни аниқлашда муаммо фундаментал асос сифатида намоён бўлади. Ўқув материаллари мазмунини ўзлаштиришда муаммонинг қўйилиши ва ҳал этилиши қуйидаги босқичларда кечади:



Режалаштириш, ташкил этиш, раҳбарлик ва назорат қилиш ҳокимият муносабатларини амалга ошириши туфайли бошқарув иши деб ҳисобланади.

Самарадорлик тушунчаси, гарчи ижтимоий муносабатлар жараёнида кўп қўлланилсада, бошқарув назариясида энг кам ишланган тушунчалардан биридир. Самарадорликнинг умумий назарияси мавжуд бўлмаганлиги боис ушбу йўналишдаги барча уринишлар ҳозирча кутилган натижага олиб келмади. Фаолиятнинг турли соҳаларида самарадорликнинг ўз хусусий кўрсаткичларидан фойдаланилади. Аммо таълимда бугунги кунда бундай кўрсаткичлар йўқ. Шунга қарамай, самарадорлик тушунчаси сифатга



йўналтиришда жуда муҳим ва фойдалидир. Вазифанинг бутун мураккаблигини англаган ҳолда, бошқарув самарадорлиги нима эканлигини аниқлашга уриниб кўрамиз.

Самарадорлик ҳақида гапиришдан олдин фаолият унумдорлиги тушунчасини киритамиз. Ўар қандай фаолият озми-кўпми унумли бўлади. Унумдорлик - бу қандайдир вақт ичида олинган натижаларнинг фойдалилиги ва у билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги нисбатни кўрсатувчи фаолият хусусияти демакдир.

Унумдорликдан кўпинча бошқарув самарадорлиги кўрсаткичи сифатида фойдаланилади. Гарчи фаолият унумдорлиги билан бошқарув самарадорлиги бир-бирига боғлиқлиги шубҳасиз бўлсада, бироқ улар битта нарса эмас. Таълимнинг бошқа таълим муассасасига нисбатан юқорироқ натижалари ушбу таълим муассасасида бошқарув сифати юқори бўлишидан ҳар доим ҳам далолат беравермайди.

Масалан, таълим муассасаси ажойиб моддий базага эга бўлса, молиялаштиришнинг қўшимча манбалари ҳисобига ўқитувчиларга бошқа таълим муассасаларидагига нисбатан юқорироқ иш ҳақи тўлай олса, ушбу барча неъматлардан маҳрум бўлган оддий таълим муассасасидагига қараганда таълим сифати юқорироқ бўлишини таъминлаши мумкин. Лекин масала ҳар бир таълим муассасаси ўзида мавжуд имкониятлардан нечоғли яхши фойдаланаётганлигидадир.

Бошқарув сифатини баҳолаш айнан шу саволга бериладиган жавобга боқлик. Бошқарув ўз вазифасига кўра фойдали натижа олиш учун имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни таъминлаши керак. Ушбу вазифани қанчалик яхши уудаласа, у шунчалик самарадор бўлади.

Бошқарув самарадорлиги деганда эришилган ва эришиш мумкин бўлган унумдорлик ўртасидаги муносабатни акс эттирувчи хусусиятни тушунамиз.

Бундай таърифни фаолият кўрсатишни бошқаришга нисбатан ҳам, ривожланишни бошқаришга нисбатан ҳам ишлатса бўлади. Лекин бу ҳолатларнинг ҳар бирида турли натижалар ва турли харажатлар ҳисобга олиниши керак. Таълим муассасаси ўзи учун таълим сифати иложи борича юқори даражада бўлишини таъминлай олади (бу юқори самарадорлик ҳамда фаолият юритишни бошқаришдан далолат бериши мумкин), аммо айна пайтда у янгиликларни ўзлаштириш ва ўзининг салоҳиятини кучайтириш учун объектив тарзда таълимнинг мавжуд имкониятларидан фойдаланмаслиги мумкин. Бу таълим муассасасини ривожлантиришни бошқариш самарадорлиги пастлигидан далолат беради.

Таълим сифати - бу таълим жараёнининг жамиятдаги ҳолати ва натижадорлигини, унинг шахснинг фуқаролик, турмуш ва касб соҳаларидаги

билимдонлигини ривожлантиришдан жамият (турли ижтимоий гуруҳлар) эҳтиёжлари ва кутган натижаларига мувофиқлигини белгиловчи ижтимоий категория демакдир.

Таълим сифати таълим олувчи ёшларнинг хабардорлигини ривожлантиришни таъминлайдиган таълим фаолиятининг турли жиҳатларини, ўқитиш мазмуни, шакллари ва методларини, моддий-техника базасини, кадрлар таркибини ва ҳ.к. тавсифловчи кўрсаткичлар йиғиндиси билан белгиланади.

«Билимдонлик» («хабардорлик») термини менежментда кенг қўлланилади. Аммо уни таълим тизимида ишлатиш у қадар оммалашмаган. Ўқувчилар ва талабаларга нимани бериш мақсад қилиб қўйилганлигини аниқлаш учун кўпинча билим, қадрият ёки ишонч ва эътиқод тушунчаларидан фойдаланиб келинган (ҳозир ҳам шулардан фойдаланилмоқда).

Билимдонлик (хабардорлик) тушунчаси билим эмас, балки маҳорат соҳасига тааллуқлилиги аёндек туюлади. Билимдонлик - бу таълим олиш туфайли эгалланган билимларга, тажрибага, майлларга асосланган умумий қобилият. Билимдонлик билимларга ҳам, кўникмаларга ҳам таянмайди, билимдон бўлиш - олим ёки маълумотли бўлишни билдирмайди.

Инсон хатти-ҳаракатининг чексиз ранг-баранг ҳаётий вазиятларга мослаштирилиши умумий қобилият-шахсий ҳаётда эгалланган билим ва орттирилган тажрибани умумий тарихга мос тушадиган вазиятда қўллашни назарда тутди.

Бундан ташқари, билимдонлик билан маҳоратни бир-биридан фарқлай билиш керак.

Маҳорат - бу муайян вазиятда ўзига хос ҳаракат қилиш демакдир. Бу билимдонлик ёки қобилиятнинг, ишга янада умумийроқ тайёргарлик қўрилганликнинг ёки ўзига хос вазиятда иш бажариш имкониятининг қарор топишидир. Бироқ маҳоратни кузатса бўлади, билимдонлик эса иш ва маҳоратни кузатиш орқали билинадиган хусусиятдир.

Шундай қилиб, маҳорат ҳаракатдаги билимдонлик сифатида ифода топади. Билимдонликни маҳорат, ҳаракат келтириб чиқаради.

Билимдонликка билим билан вазият ўртасида алоқа ўрнатиш имконияти, кенг маънода олганда эса, муаммога мос бўлган жараённи (билим ва ҳаракатни) топиш қобилияти сифатида қараш мумкин.

Ўар қандай ҳолатда ҳам билимдонлик тушунчасини ҳаддан ташқари соддалаштиришдан огоҳ бўлмоқ лозим.

Маҳоратни кузатиш субъектлар вазиятларга бахш этадиган мазмунни, улар амалга оширадиган талқинни инкор этолмайди.

Билим ва иш ўртасидаги муносабат масаласи таълим ва педагогиканинг

бутун тарихи орқали кечади. Масалан, тарих йўл-йўриқ ва предметлар бўйича билим беришга йўналтирилган таълим муассасасининг ўқувчиларни ишга тайёрлашга аниқроқ қилиб айтганда, уларни ҳаётнинг турли шароитларига ва ҳолатларига мос келиши эътироф этилган интеллуқтал ва амалий билимдонликни намоён этишига лаёқатсизлигини маълум даражада кўрсатди.

Таълим амалиёти, одатда, кўпроқ ўқитувчи шахсига, ўқитувчилар томонидан тайёрланган ва тақдим қилинадиган билимларни беришга, ўқувчиларнинг бунёдкорлик ва билимларни эгаллаш йўлидаги фаолиятига йўналтирилган. Янги таълим концепциялари дуч келган истиқбол ўзгаришларини амалга оширишдаги қийинчилик ишнинг бошланишида талаб этиладиган қайта қуришга қаршилик кўрсатишдан келиб чиқиши мумкин.

Қуйидагиларни муҳим ўзгаришлар сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин:

**Биринчи.** Билимдонликка (ёки маҳоратга) таяниш таълимга ишлаб чиқариш оламидан кириб келган. Сўнгги ўн йилликлар мобайнида ўзининг одам ресурсларини баҳолаш ва бошқариш техникасини бирмунча мукаммаллаштирди ва шакллантирди. Корхоналар олами катта рақобатга ва билимлар ҳамда технологияларнинг тез суръатлар билан ўзгаришига дуч келиб, ортиб бораётган сармояларини инсон капиталига йўналтирди. Йирик корхоналарда, менежментнинг замонавий методларига мувофиқ одам ресурсларини бошқариш бўлими доимо мавжуд.

**Иккинчиси.** Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ амалга оширилаётган таълимни ислоҳ қилиш таълим мазмунини замонавийлаштириш ва таълим-касб-хунар дастурларини билимлар таракқиёти билан мувофиқ ҳолга келтириш жиҳатидан айниқса муҳимдир.

Устувор йўналишларни аниқлаш жараёни зарур ва у таълим фанлари ўртасидаги рақобатдан юқори туриши керак.

**Учинчиси.** Янги билимлар вужудга келишининг жадаллашиши ва айримларининг эскириши эндиликда бир қанча авлодлар тажрибасига мос тушмоқда ва кишилар ушбу тамойилнинг узлуксизлиги истиқболлилигига кенг кўламда кўника бошладилар. Келгуси авлодлар ҳозиргиларга қараганда кўпроқ, яъни бутун умр ўқиши керак, деган ишонч мустаҳкамланиб бормоқда. Бошланғич тайёргарлик ҳар бир инсонни қобилиятли қилиши ва шундай бўлишини истайдиган қилиши борасида талаб кучайиб бормоқда. Бу кадрлар тайёрлаш миллий дастури ғоялари ва қоидалари билан тасдиқланган.

Умумтаълим тайёргарлиги, таълимнинг маданиятни таркиб топтирувчи функциясини амалга оширишнинг устуворлиги - бу бутунги ва эртанги кун стратегияси, «ўқишни ўрганиш» ва «бутун умр бўйи таълим олиш» каби принципларни амалга ошириш демакдир. Айрим шароитларда касбий фаолият, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаёт каби, бир маҳаллар озчиликнинг чекига

тушган интеллектуал иш воситаларини кўпроқ эгаллашни муайян тарзда тақозо этади.

Тўртинчиси. Таълим тизимида амалиётда юз бераётган ўзгаришлар суръатининг қониқарсизлиги таълим тизимларини бошқариш ва уларни тартибга солиш усуллари секин ўзгараётганлигидан келиб чиқади. Бунда қўйилган мақсадлар билан бошқарув усуллари ўртасида муайян қарама-қаршилиқни кўриш мумкин. Кундалиқ бошқариш ва тартибга солиш шакллари даражасида қоидаларига нисбатан мақсадларга; ўқитувчиларга нисбатан ўқувчиларга камроқ эътибор берилади. Шу нуқтаи назардан олганда, ўқув дастурлари билан юз берган ҳодиса ибратлидир. Бу ўқитувчиларнинг ўқитишга доир фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш воситаси бўлиб, бюрократик кўрсатмалар ва тавсияларга айланиб кетиш тамойилига эга. Уларнинг бажарилишини текшириш мумкин бўлиб, нормал таълим фаолияти давомида (ўқитувчи ўз дастурини бажарган-бажармагани, ўқувчилар тушунча ва билимларга эга бўлган-бўлмагани) текшириб борилади.

Зарур ва исталган деб топилган билимдонлик рўйхати чексиз ортиб боради ҳамда ҳаёт учун зарур деб ҳисобланаётган билимлар каби қадрсизланади, деган хавф мавжуд. Бунда умумий билимдонлик ҳақида хулоса чиқариш учун бир неча далиллар ёки натижаларни аниқлашнинг ўзи етарли эмас.

Таълим муассасалари ҳозирги шароитда ижтимоий-иқтисодий вазиятни, таълим тизимини ривожлантиришдаги ишнинг аҳволини ҳисобга олган ҳолда ёш авлодни қуроллантириши лозим бўлган энг маъқул билимдонликни аниқлаши лозим. Бизнингча, қуйидагиларни шундай билимдонлик сирасига киритиш мумкин:

1. Сиёсий ва ижтимоий билимдонлик - бу масъулиятни ўз зимасига олишга, қарорларни биргаликда қабул қилишда иштирок этишга, низоларни зўравонликсиз ҳал қилишга, демократик институтларнинг фаолият юритиши ва уларни яхшилашда қатнашишга қодирлик.

2. Кўп маданиятли жамият ҳаётига тааллуқли билимдонлик. Ирқчилик ёки ксенофобиянинг вужудга келишига, тоқатсизлик муҳити тарқалишига тўсқинлик қилиш учун таълим соҳаси ёшларни тафовутларни тушуниш, бир-бирини ҳурмат қилиш, бошқа маданиятлар, тиллар ва динларга мансуб одамлар билан бирга яшаш қобилияти каби умуммаданий билимлар билан қуроллантириши керак.

3. Оғзаки ва ёзма мулоқотни эгаллашга тааллуқли билимдонлик касбий ва ижтимоий ҳаётда шу даражада муҳимки, бундай фазилатга эга бўлмаганларга жамиятдан чиқиб кетиш хавфи туғилади. Муҳим аҳамият касб этиб бораётган бир қанча тилларни ва ахборот технологияларини эгаллаш мулоқотнинг ушбу



гуруҳига киради.

4. Ахборот жамияти вужудга келиши билан боғлиқ билимдонлик. Бу - янги технологияларни эгаллаш, уларнинг қўлланилишини, кучи ва заиф томонларини англаб етиш, ОАВ каналлари орқали тарқатилаётган ахборот ва рекламага танқидий муносабатда бўлишга қодирлик демакдир.

5. Касбий жиҳатдан, шунингдек шахсий ва ижтимоий ҳаётда узлуксиз тайёргарлик кўриш негизи бўлмиш бутун умр ўқиб-ўрганиш қобилияти.

Таълим тизимларини ислоҳ қилиш сабаблари ва омиллари кейинги йилларда чоп этилган илмий ишлар туркумида батафсил ва асосли таҳлил қилинган (Р.Ахлидинов, Р.Жўраев, У.Иноятов, Ш.Қурбонов, М.Қурононов, Х.Рашидов, Э. Сейтхалилов, Д.Шодиев, Н.Нишоналиев ва бошқалар). Бунда таълим-касб-ҳунар дастурлари мазмунининг қайта кўриб чиқилишини тавсифлайдиган уч йўналишни ажратиш мумкин.

Биринчи йўналиш ўқув дастурларидаги камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ. Бунда мақсад дастурларни зарур деб ҳисобланган янги элементлар билан тўлдиришдан иборатдир.

Аниқ фанлар соҳасида, хусусан, информатика, атроф-муҳитни ўрганиш ёки технологияларни ривожлантириш ва уларнинг таъсири билан боғлиқ билимларни киритиш бугунги кунда шу тариқа зарур деб ҳисобланмоқда.

Камчиликлар, шунингдек, гуманитар ва ижтимоий фанлар соҳасида ҳам аниқланмоқда. Агар ёш йигит экологик ҳуқуқий, социологик, психологик ва бошқа фанларни ўзлаштирмаса, бу қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги барчага аёндыр. Тарих, адабиёт ва тил, жамиятшунослик, география, маънавият асослари каби фанлар вақти-вақти билан таълим мазмуни ва методларини қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо қилмоқда. Таълим тизими жавоб беришга одатланмаган масалалар, тарихий воқеалар ёки жамиятнинг ривожланиши натижасида кутилмаганда юзага келади ва тез ҳал этишни талаб қиладиган муаммоларни вужудга келтиради.

Шахсни шакллантиришда жамоанинг етакчи аҳамияти туғрисидаги фикрлар педагогика фанининг илк ривожланиш давриданок билдирилган.

Кишиларнинг жамиятда бирга яшаши, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаши, озчиликдан-кўпчиликнинг афзаллиги ҳақида пайғамбаримиз С.с.а.в.нинг ҳадисларида: «Икки киши бир кишидан яхши, уч киши икки кишидан яхши, тўрт киши уч кишидан яхши, кўпчилик билан бирга бўлинглар. Тангри умматларини фақат тўғри йўлда боришликка бирлаштиради», - дейилган. Кишиларнинг бошига яхши кун ҳам, ёмон кун ҳам тушганда албатта маҳалла, кариндош-уруғ мададкор бўлади. Буни биз урф-одатларимизда кўришимиз мумкин. М: ҳашарлар, тўйга туёна билан келиш ва ҳаказо.

Ҳамкорлик стратегияси педагогик жиҳатдан ўқув жараёнини самарали бошқариш санъатини англади. Инсонпарвар педагогикада ўқитувчи ҳар доим ўз стратегиясининг муаллифи сифатида намоён бўлади. Шу билан бир қаторда бундай муаллифлик тасодифий кўринишга эга эмас. Бунда касбий маҳорат кўп даражада заруриятдан келиб чиққан ҳолда танлаш кўникмасига асосланади. Бундай кўникмаларни намоён қилиш учун ўқитувчи жуда катта педагогик билим ва маҳоратга эга бўлиши лозим. Бунинг учун ўқитувчилар педагогикада мавжуд тажрибалар устида ижодий фикрлашлари, шубҳаларга ўрин қолдирмасликлари, илғор педагогик қарашларни ўзлаштиришлари ва ўз фаолиятларига татбиқ эта олишлари, касбий фаолиятларини шахсга йўналтирилган вазиятларда ўқувчиларга кўмаклашишга қарата олишлари зарур. Худди мана шу тарзда ўқитувчининг ўқув материаллари ва ўқувчиларга нисбатан шахсий муносабати, тактикаси таркиб топади.

Педагогик ҳамкорлик стратегиялари ўқитувчи педагогик фаолиятининг юқори даражада истиқболга йўналтирилган шаклидир. У методологик характердаги касбий кўникмаларда намоён бўлади. Жумладан: мавжуд ҳодисаларни чуқурроқ англаш, унинг ҳақиқий моҳиятини тушуниш, аниқ ва яширин сабабларини англаб етиш, назария ва амалиёт орасида муносабат ўрнатиш, жараён мақсадини аниқлаш, ўқув-тарбия вазифаларини муайян принципларга асосланган ҳолда ойдинлаштириш, педагогик ҳамкорлик шартлари ва воситаларини танлаш имконини беради.

Педагогик ҳамкорлик стратегиялари қўлланадиган усулларнинг самарадорлигини таъминлаб, таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар билан бевосита муносабатларни ўрнатиш имконини беради. Педагогик ҳамкорлик стратегиялари ўқитувчиларнинг касб маҳоратини оширишга йўналтирилган ёпиқ характердаги билиш жараёнларида касбий онгнинг фаолиятга асосланмаган шакллари бартараф этишга хизмат қилади.

Педагогик ҳамкорлик стратегиялари ёрдамида ўқитувчиларнинг педагогик онги оддий, тўғридан-тўғри, тезкор ва ташқи томондан самарали бўлган воситалар орқали ўқувчилар онгига таъсир кўрсатади. Бундай вазиятда онгнинг фаолияти кўзгалмайди, балки ҳиссий таъсирлар амалга ошади. Шунинг учун ҳам ўқитувчиларни касбий ривожлантиришдаги истиқболли йўналишлардан бири уларнинг шахсий онгини педагогик ҳамкорлик стратегиялари билан бойитишдан иборат. Бунинг учун ўқитувчиларнинг танқидий, йўналтирувчи, фикрий-ижодий, назарий-таҳлилий онгини ривожлантириш назарда тутилади. Худди шундай касбий онгга эга бўлган ўқитувчилар фаолияти орқали педагогик ижодкорлик жараёни бошланади.

Чунончи:

- а) педагогик таъсирнинг қимматини аниқлаш;

- б) ўқувчилар билан муносабатда ўз мавқеига эга бўлиш;
- в) диалогнинг аҳамиятини тушуниб етиш;
- г) ўқувчиларнинг шахсий ўзига хосликларини англаш кабилар.

Чунки буларнинг барчаси ўқувчиларга бериладиган таълим-тарбиянинг моҳияти, мазмуни ҳамда йўналишларини оидинлаштириш имконини беради.

Ҳамкорликдаги педагогик жараённинг асосий қадрияти ўқитувчи томонидан таъминланадиган ўқувчиларда ўз фаолиятини мустақил ташкил этиш, ривожланиш имкониятига эга бўлишдан иборат. Ўқитувчилар ҳамкорлик стратегиялари ёрдамида ўқувчилар онгига таъсир кўрсатиш воситаларини танлайдилар.

Таълим стратегиялари инсоний моҳият касб этади. Чунки педагогик стратегиялар педагогик фаолият тури сифатида ўқитувчи шахсияти билан бевосита боғлиқдир. Таълимнинг гуманистик стратегиялари ўқитувчи касбий фаолиятининг дастури ҳисобланади. У ўқитувчи шахсининг ўзлигини касбий фаолият жараёнида намоён этишини ифодалайди.

Таълим бозорида рақобат шароитида стратегик режани ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. ТМга фаолиятнинг умумий йўналиши етишмайди. Стратегик режа, муҳим муаммолар (бош мақсад, истеъмолчиларнинг талаблари, муваффақиятга элтувчи йўллар), ижобий ва салбий омиллар, истиқболлар ва омадсизликлар таҳлил қилингандан кейин, шунингдек, муваффақиятнинг танқидий омиллари аниқлангандан сўнг ҳал қилувчи масалалар доирасини белгилаб бериши лозим.

Режалаштиришнинг таълим муассасалари ўз хизмат соҳаларини ва ушбу хизматларга эҳтиёж сезган бозорларни аниқлагандан сўнг, фойдаланиши мумкин бўлган бир қанча стратегиялари мавжуд.

Таълимдаги стратегик режалаштириш жараёни фанда, ишлаб чиқаришда ва умуман жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни кўзгудагидек акс эттиради. Унда асосий вазифалар ва мақсадларни аниқлаш, кучли ва заиф томонларни, имкониятларни ва таҳдид солувчи хавф-хатарларни таҳлил қилиш учун фойдаланиладиган омиллар таълим соҳасига ҳам жорий қилинади.

Стратегик режалаштириш узоқ муддатли устувор жиҳатларни шакллантиришга имкон беради ва оқилона ўзгаришларга кўмаклашади. Муассаса стратегияга эга бўлмай туриб, янги имкониятлардан жуда яхши фойдаланиш учун мақбул вазиятда эканлигига ишонч ҳосил қила олмайди. Стратегик режалаштиришнинг етакчи мақсадлари таълим муассасасини ривожлантиришнинг муайян вақт оралиғига мўлжалланган умумий дастурини ишлаб чиқиш билангина эмас, балки ушбу таълим муассасаси кўрсатадиган таълим хизматларининг энг муҳим йўналишларини, шунингдек, бу йўналишларнинг истеъмолчилар эҳтиёжларига нечоқли мослигини тушуниб



олиш ва уларни қайта кўриб чиқиш билан ҳам белгиланади.

Стратегик режалаштиришда одатда, муҳим муаммоларнинг маълум бир мажмуини ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият берилади. Уларнинг рўйхати қуйидагича бўлиши мумкин:

Гарчанд назариядан амалиёт сари ишлаш оқилона йўл бўлсада, стратегик режалаштиришга киришаётиб риоя қилиш лозим бўлган хатти-ҳаракатлар мажбурий изчиллиги мавжуд эмас. Бироқ келажакни режалаштиришда тизимли ёндашиш ниҳоятда муҳим. Стратегия истеъмолчиларнинг турли гуруҳлари эҳтиёжларига таяниши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда бош мақсадни белгилаб берадиган ҳамда умуман нуктаи назарни кенгайтирадиган сиёсат ва режани тузиш зарур.

Стратегик режалаштиришда ҳаракатларнинг муайян изчиллиги бўлиши мумкин.

Стратегик режалаштириш ташкилотнинг ўз мақсадларига мақбул даражада эришиш учун қўлланиладиган ҳаракатлар йиғиндисидир.

Стратегик режалаштиришнинг моҳияти ташкилотнинг мақсадларига эришишга қаратилган ўзига хос стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат. Менежментга татбиқан стратегия ташкилотнинг мақсадларига мақбул даражада эришишни таъминлайдиган ҳар томонлама мажмуини режалаштиришни билдиради.

Стратегик режалаштириш бошқарув фаолиятининг тўртта асосий турини: ресурсларни тақсимлаш; ташқи муҳитга мослашиш; ички мувофиқлаштириш; олдиндан кўра биладиган уюшган стратегияни кўзда тутади.

Стратегиянинг биринчи тури - қийматига кўра биринчилик стратегияси. У муассасадан ўз бозорида қийматига кўра энг арзон бўлишни талаб қилади.

Муассаса бунга технологиялардан экстенсив фойдаланиш, кўламни қисқартириш, харажатларни қатъий назорат қилиш ва ҳоказолар эвазига эришиши мумкин. Бу стратегиянинг афзаллиги шундан иборатки, ресурсларни истеъмолчи нуктаи назаридан тушуниладиган сифат учун танқидий бўлган жиҳатларга йўналтиришга имкон беради. Бироқ арзончилик ўз-ўзидан муваффақиятни кафолатламайди.

Кўпчилик истеъмолчилар сифат учун ҳақ тўлашга рози. Сифатни паст нархлар қурбонига айлантириш мумкин эмас. Биринчи қарашда, бепул таълим соҳаларида бундай стратегия номувофиқдек туюлади. Аммо, харажатларни қатъий назорат қиладиган ёки таклиф этилаётган хизматлар кўламида тежамкорлик қиладиган ТМ, ўз ихтиёрича сарфлайдиган қўшимча маблағни бўшатиб олиши мумкин. Маблағларни самарали тақсимлаш натижалари шу ТМнинг рақобатбардошлигини ошириши мумкин.


Стратегиянинг иккинчи тури - табақалаштириш - таълим муассасаси ўз

рақибларидан фарқли равишда, қайсидир белгиларига кўра, нодирлигини назарда тутлади. Тижорат бозорида бу ҳол компанияга юқори нарх белгилашга имкон беради. Таълимда эса муассаса эришган ютуқ фақат қўшимча жалб қилинган ўқувчи ва талабалар бўлиши мумкин. Шунингдек, муассаса ўзининг ўхшаши йўқлиги, ноёблиги билан муқобил манбаларни ўзига жалб қилиши мумкин. Бу стратегияни танлаган муассаса учун сифат ҳаётий заруратдир, чунки нодирликка даъво қилган муассасалар синчиклаб текширилиши муқаррар.

Бозор стратегиясининг эҳтимол тугилган учинчи тури - фокуси стратегия. Бу диққат-эътиборни маълум бир географик манзил, истеъмолчилар гуруҳи ёки бозор сегментига қаратишни назарда тутлади.

Бу бозор сегментатсияси бўйича табақалаштириш стратегиясидир. Муассаса шундай йўналтириш билан дастурларини ажратилган гуруҳларнинг талабларига рақибларига нисбатан қаттиқроқ боғлашга интилади. Бошқа стратегияларни қўллашдаги каби, бу стратегиянинг ҳам мақсади рақобатбардошлиликни оширишдан иборатдир. Аммо у бутун бозор доирасида ўз имкониятларидан маҳрум бўлиш эвазига қўлланилади. Бу стратегияда яна сифат кенг кўламда зарур бўлади. Агар сифат истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондирсагина йўналтирилганлик иш бериши мумкин.

Ўзаро педагогик ҳамкорлик жараёнида вужудга келадиган зиддиятларни қуйидаги стратегиялар ёрдамида ечиш мумкин:



Ҳамкорлик ҳар иккала томоннинг ўзаро муносабатлари ва мажбурламаслик принципига асосланади. Мазкур стратегиянинг асосий мақсади барча учун умумий бўлган муаммоларни биргаликда муҳокама йўли

билан ечишдан иборат. Педагогик ҳамкорлик жараёнини ривожлантирувчи стратегиялар ичида энг самарадорлари ўзаро келишувга асосланган стратегиялар, ҳамкорлик стратегиялари, чекиниш ва мослашиш стратегияларидир. Қўлланиладиган стратегияларнинг муваффақияти ҳамкорлик жараёнининг муайян даражада инсонпарварлик принципларига таянган ҳолда амалга оширилишига боғлиқ. Бунда ҳамкорлик жараёни иштирокчиларининг қизиқишлари, эҳтиёжлари, таянадиган қадриятларини аниқ ҳисобга олиш талаб этилади.

Инсон табиатини кузатиш шуни кўрсатадики, ҳар бир ўқувчида ўзига хос иқтидор ва талант мавжуд. Бу иқтидор ва талант ота-оналар ва ўқитувчилар билан самарали ҳамкорлик натижасида рўёбга чиқади. Педагогик фаолият жараёнида ўқитувчи муайян шарт-шароитни вужудга келтирганда ўқувчилардаги иқтидорни рўёбга чиқаришга муваффақ бўлади.

Ҳамкорликдаги ижодий педагогик жараёни ташкил қилишга йўналтирилган касбий фаолият ўқувчиларнинг бадиий ижодий лаёқатларини очишга хизмат қилиб, бунда уларнинг ижодкорлик ҳамда яратувчилик лаёқатларини педагогик қўллаб-қувватлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бундай фаолият ҳамкорлик характериға эға бўлиб, ўқув жараёнининг таркибий қисмини ташкил этиши керак. Шунга кўра ҳамкорликдаги педагогик жараёни лойиҳалаш ва ташкил этиш ўқитувчи фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Ўқувчилар билим олиш жараёнида воқеликни ўрганадилар, англаб етадилар ва ижод қиладилар, яратадилар. Ижодий яратувчилик жараёниға ўқувчилар ўзига хос тарзда ёндашадилар. Ўқитувчи эса уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ижод қилишлари учун қулай шароит яратиши лозим. Бу жараёнда ўқитувчининг муҳим вазифаларидан бири – ўқувчилар билан ҳамкорлик қилиш, уларни самарали қўллаб-қувватлаш ва кўмаклашишдан иборат.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда ўқувчиларнинг ўзлари уларнинг ижодий фаолиятлари ва яратувчиликка интилишларини қўллаб-қувватлаш йўлларини ўқитувчиға кўрсатадилар. Ўқувчиларнинг ўзига хосликларини қўллаб-қувватлаш учун дастлаб ўқитувчилар улар ва ота-оналарига йўналтирувчи маслаҳатлар бериши лозим. Бу кўмак ва маслаҳатлар аста-секин тизимли педагогик ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тусини олиши керак.

Таълим билан ўқувчиларнинг руҳий ривожланиши орасидаги мутаносиблик ҳамкорликдаги ўқув фаолияти орқали таъминланади. Чунки ўқув жараёни педагогик жиҳатдан махсус йўналтирилган жараён бўлиб, унда ўқувчилар ҳамкорликдаги биргаликдаги ўқув фаолиятини амалга оширадилар.

Улар ўқув ҳаракатларини аниқ ўқув предмети доирасидаги ўқув материаллари ёрдамида бажарадилар. Ўқувчиларнинг руҳий ривожланишлари



асосида уларнинг ташқи фаолиятлари билан боғлиқ ҳаракатлари ички ривожланиш имконини беради. Шу асосда уларда когнитив фаолият тажрибаси, тафаккур, идрок ривожланади. Бундай фаолият натижасида ўқувчиларда билиш қизиқишлари шаклланди. Демак, ўқувчини ривожлантириш, биринчи навбатда, унинг ҳамкорликдаги фаолиятини тўғри ташкил этишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида ўқувчиларни ҳамкорликдаги фаолиятга йўналтириш уларнинг тараққиётини таъминлашда муҳим омил бўла олади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги ҳамкорликни ўрнатишда педагогнинг нутқи асосий ўрин эгаллайди. Чунки ўқитувчининг нутқи ўзаро мулоқот ва ҳамкорликнинг вербал кўринишдаги таркибий қисми ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, новербал мулоқотнинг турли йўналишлари ҳам педагогик ҳамкорликнинг муҳим воситаси сифатида хизмат қилишини мутахассислар таъкидламоқдалар.

Ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги муносабатларда улар орасида билиш ва асабий баҳолаш характеридаги ахборот алмашилиб жараёни кечади. Бундай ахборотларни ўзаро бир-бирига узатиш вербал ҳамда новербал усулларда амалга оширилади. Ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликка киришар экан, ахборотларнинг маълум қисмини уларнинг юз ифодаси, хатти-ҳаракатлари, кўз қарашларидан англаб олади. Хатти-ҳаракатлар, кўз қарашлар, қиёфадаги ифодалар сўздан кўра кўпроқ англашимлилик характерида эга.

Мулоқотнинг новербал йўналишлари ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги муносабатларни тартибга солиш, ўзаро алоқа ўрнатишда муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса ҳам ўқитувчиларнинг, ҳам ўқувчиларнинг ҳиссий кечинмалари ва ҳолатларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, педагогик мулоқотнинг мазкур йўналиши мутахассислар томонидан яқка тартибда ўрганилган. Тажрибали ўқитувчилар учун бу ҳолатни ҳисобга олиш ўқувчилар билан ҳамкорлик ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчининг қандай туриши, қандай ўтириши, овозини қай даражада кўтариши, табассуми, кўз қарашлари ўқувчиларнинг у билан ҳамкорликка киришишлари учун муҳим аҳамиятга эга. Новербал мулоқот воситаларига сўнгги йилларда педагоглар томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина ўқитувчилар ҳанузгача унинг моҳиятини тўлалигича англаб етмаганлар. Ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларида новербал мулоқот бир қатор йўналишларда амалга оширилади:

- хатти-ҳаракатлар ёрдамида;
- дахлдорлик асосида;



- жистлар, оханглар ёрдамида;
- мулоқотдаги масофа орқали;
- визуал характердаги ўзаро ҳамкорлик воситасида.

Биз ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари доирасида новербал мулоқотнинг таркибий қисмларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Бундай вазиятларда ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлигида нутқнинг новербал воситалари муҳим ўрин эгаллашига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ўқитувчи ўз ишини енгиллаштириш учун ўқувчилар билан сўзлашмасдан туриб ҳам мулоқотга киришиши мумкин. Бунинг учун ўқитувчи нафақат ўқувчиларнинг нутқ охангига балки ҳар бир ишораси, кўз қарашлари, ҳаракатларига эътибор қаратиб шу асосда ўзининг ҳам новербал воситалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириб бориши лозим.

Ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришда ҳамкорликдаги вазиятларни ташкил этиш методидан фойдаланиш самаралидир. Ҳамкорликдаги педагогик вазиятларни ташкил этиш методи инноватсион метод сифатида алоҳида педагогик қимматга эга. Бу метод ёрдамида ўқувчиларда мулоқотга киришувчанлик, ишчанлик, етакчилик, кенг кўламли, аниқ изчилликка эга бўлмаган материалларни тартибга солиш ва таҳлил қилиш, ахборотлар етарли бўлмаган шароитларда уларни тўлдириш кўникмаларини шакллантириш имконияти вужудга келади.

Ҳамкорликдаги вазиятларни вужудга келтириш методи ўқувчиларни табиийликка интилишга чорлайди. Шу тариқа ҳамкорликдаги вазиятларни вужудга келтириш методи қуйидагиларни тақозо этади:

- Вербал мулоқот воситасида ҳамкорликдаги вазиятларни баён қилиш;
- муайян вазиятларни мустақил ўрганиш ва синфдошлари билан муҳокама қилиш;
- ўқувчиларнинг вазиятларни биргаликда муҳокама қилиш жараёнларини ўқитувчи томонидан бошқариш;
- муҳокамалар жараёнида ўқувчиларга муамоларнинг ечимларини топиш зарурлигини аниқлаш кабилар.

Ҳамкорлик вазиятларида ўқув ҳаракатларини амалга ошириш учун ўқувчиларнинг фаолликларига эътибор қаратиш асосида уларнинг диққатларини аниқ воқеликни тушуниш ва муҳокама қилишга жалб этиш лозим. Бу шахсга йўналтирилган таълимнинг ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Мазкур жараёнда ўқувчилар мустақил ишлаш ва ташаббус кўрсатиш тажрибасини эгаллайдилар.



#### IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.

##### 1-амалий машғулот: Мақтабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизimini жорий этиш. (2соат)


###### Режа:

1. Мақтабгача таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш мазмуни.”Қарор қабул қилиш технологияси”
2. Таълимга оид “Тушунчалар таҳлили” услуги

###### Машғулотнинг бориши

**1-топшириқ.** Мақтабгача таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш мазмуни мавзусида. ”Қарор қабул қилиш технологияси”. График органайзери ёрдамида баҳс-мунозара ташкил этиш.

Тингловчиларга қуйидаги иш қоғози тақдим этилади:



##### 2- Топшириқ. Таълимга оид “Тушунчалар таҳлили” услуги

	Мазмуни
Инновация	
Технология	
Модернизация	
Модул	
Лойиха	



Дефференция	
Масофа	
Ривожлантириш	
Таълим	
Тарбия	
Маданият	
Конструктив	
Хамкорлик	

**2- амалий машғулот: Мақтабгача таълимнинг педагогик жараёнига инновацион ёндашув. (4-соат)**

**Режа:**

1. Бўлажак мақтабгача таълим ўқитувчиларининг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтиришга оид Блиц-сўров
2. Мавзу юзасидан блиц-сўров саволларига жавоб бериш.
3. Педагогиканинг асосий тушунчалари.

**Машғулотнинг бориши.**

**1-топширик.** Бўлажак мақтабгача таълим ўқитувчиларининг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтиришга оид блиц-сўров саволлари.

1. Ўқитувчиларининг энг буюк бурчи – унинг халққа нафи тегадиган, ақл-идрокли, қобилиятли, уқувли шогирдлар тайёрлашдир.
2. ўқитувчи ёш авлодни ҳалкимизнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялашдек муҳим ва фаҳрли шу билан бирга масъулиятли вазифани бажаради.
3. ўқитувчиларининг сиёсий етуклиги болаларнинг тарбиялаш сифати учун халқ ва жамият олдидаги ўз масъулиятини англаши, таълим - тарбия ишларини ҳал этиши, ижодий ёндошиши, ўз маҳоратини кўрсата олиши, ҳамкасбларнинг ишдаги ўсишга кўмаклаши.







<b>3. Махсус компетентлик</b>										
1)	мустақил равишда касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш									
2)	одатий касбий-педагогик вазифаларни тўғри ҳал қилиш ва ўз меҳнатининг натижаларини реал баҳолаш малакасига эгаллик									
3)	мутахассислиги бўйича янги билим ва кўникмаларни мустақил равишда изчил ўзлаштириб бориш қобилиятига эгаллик									
<b>4. Технологик компетентлик</b>										
1)	касбий-педагогик билим, кўникма ва малакаларни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш қобилиятига эгаллик									
2)	замонавий дидактик воситалар (техник воситалар, ўқув қуроллари)дан фойдаланиш малакасига эгаллик									
<b>5. Экстремал компетентлик</b>										
1)	фавқулотда ҳолатларда (табiiй офатлар содир бўлганда, технологик жараён ишдан чиққанда) оқилона қарор қабул									



	қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик										
2)	муаммоли вазиятларда (педагогик зиддиятлар юзага келганда) оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик										

**Машғулотнинг якуни**

**Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот якунланади.**

**3-топшириқ. Педагогиканинг асосий тушунчалари**

<i>Педагогиканинг асосий тушунчалари</i>		
<b>Тарбия</b>	<b>Таълим</b>	<b>Маълумот</b>
Педагогик ҳодиса бўлиб, ёш авлодга илмий билимлар системасини, малака ва кўникмаларни махсус метод ва воситалар орқали режали равишда сингдириб бориш ва унинг натижасида ҳар томонлама шаклланган кишини тарбиялашни мақсад қилиб кўяди.	Ижтимоий зарур билимлар, муайян кўникма ва малакаларни ўқувчиларга сингдириш, уларнинг онгига, хулқига таъсир этиш, дунёқараши ва билиш фаоллигини ривожлантиришдир. У инсонни меҳнатга, ҳаётга тайёрлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Таълим бериш жараёнида тарбия ва маълумотнинг мақсади амалга оширилади. Таълим икки томонлама жараён - ўқитиш ва ўқишни ўз ичига олади.	Асосий педагогик тушунча бўлиб, унинг ижтимоий ҳаёт воқеаларини объектив акс эттиришдир. Маълумот кишини билишга бўлган талабини таъминлаб, ундаги қобилиятларни маълум даражага кўтаради ва амалий фаолиятга тайёрлайди. Маълумот таълимнинг натижаси бўлиб, у киши томонидан билим, малака ва кўникмаларни мустақил эгалашдир.
Ўқитиш – педагогик фаолият бўлиб, у билим кўникма ва малакаларни болаларга сингдириш, уларнинг билим ва амалий фаолиятига раҳбарлик		

килишдир.

Ўқиш – болаларнинг билим, малака, кўникмаларни эгаллашдаги амалий фаолиятidir. У ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди.

### Изоҳ....

**3-амалий машғулот: Мактабгача таълим ташкилотларида янги дастурлар асосида ишлай оладиган кадирларни сифатини ошириш. 2-соат**

#### Режа:

1. Олий таълим мутахассисларининг мавзуга оид илғор иш тажрибаларини ўрганиш.
2. Тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш.
3. Касбий фаолиятга тааллуқли объектларнинг умумий белгиларини топиш.
4. Мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар билан ўтказиладиган тренинглар.

#### Машғулотнинг бориши

**1-топшириқ.** Олий таълим мутахассисларининг мавзуга оид илғор иш тажрибаларини ўрганиш. Тажрибали профессор-ўқитувчи ёки мутахассис фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасасининг мактабгача таълим йўналишидаги дарс-машғулотларини кузатиш, ўрганиш ва тажриба алмашиш. “Машғулотларни ўтказиш технологиялари” мавзуси бўйича мутахассис томонидан ташкил этилган семинар-тренингда иштирок этади.

Машғулот “*Машғулотларни ўтказиш технологиялари*” модули доирасида, талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан тажрибали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг мутахассислик кафедралари, илмий-текшириш институтлари ва бошқа таълим муассасаларда ташкил этилади. Олий таълим мутахассисларининг мавзуга оид илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш, касбий сифатларини ривожлантириш.

#### **2-топшириқ. Тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш.**

Тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш, касбий сифатларини ривожлантириш, замонавий машғулот ўтишининг метод ва усуллари, ишланмаларидан фойдаланиш. Мутахассислик модулларидан очик машғулотларни кузатиш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, муҳокама

қилиш ва баҳолаш. Очик, кўргазмали, намунавий машғулотлар ва уларга қўйилган талаблар асосида таҳлил қилиш.

